160596

Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

MA'RIFAT • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 8 май, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 33 (6730)

Даъват

Тўрт нарса тўрт нарсасиз бўлмайди: ҳурмат — адабсиз, шодлик — тинчликсиз, дўстлик — муҳаббатсиз ва ақл — тажрибасиз.

Ардашер ибн БОБАК

Ибрат

Боғот тумани ҳокимиятининг қарори билан 4-ўрта мактаб қошида «Маърифат» деб номланган кичик корхона ташкил этилди. Асосий мақсад таълим-тарбия ишига ҳисса қўшиш, шу билан бирга корхона олган даромад ҳисобидан кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига моддий ёрдам кўрсатишдир.

Марказий Осиё:

ҚАРДОШЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК – ЭЗГУ НИЯТ

Тили, дини, урф-одати, яшаш тарзи деярлик бир бўлган Марказий Осиё халқларининг қардошлик ва ҳамжиҳатлиги ҳамиша тарихий зарурат бўлган. Ана шу заруратни инобатга олиб, бундан икки йил бурун Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон давлатлари ҳудудида иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш мақсадида ягона иқтисодий макон барпо этилганди. Ўтган вақт мобайнида шартномага мувофиқ иқтисодиётларни яқинлаштирувчи қўпгина ишлар қилинди. Ишчи кучи ва товарларнинг эркин ҳаракатланиши, келишилган ҳисоб-китоб, солиқ, божхона ва пул сиёсатини ўтказиш борасида сезиларли натижаларга эришилди. Марказий Осиё ҳамкорлик банки томонидан маблағ билан таъминланадиган 53 та аниқ лойиҳани ўз ичига олувчи интеграция дастури ишлаб чиқилди. Дастурга мувофиқ қўшма ишлаб чиқариш қувватлари ва бирлашмалари ташкил этилмоқда. Шу йил 6 май куни Бишкекда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон президентлари — Ислом Каримов, Нурсултон Назарбоев, Асқар Акаевнинг навбатдаги учрашувида ҳам уч давлат ўртасида барпо этилган ягона иқтисодий макон бўйича шартноманинг бажарилиши, хусусан, уч мустақил республика ўртасидаги ишлаб чиқариш кооперацияси, сув ва энергетика ресурсларидан биргаликда фойдаланиш масалалари муҳокама қилинди. Уч давлат ўртасида ишлаб чиқариш кооперацияси тўғрисидаги қабул қилинган ҳужжат бу борадаги эзгу ниятларни амалга оширишда муҳим омил бўлади.

Учрашувда уч давлатнинг БМТ заҳира қучлари таркибига кирувчи тинчликни қўллаб-қувватловчи батальонини тузиш ва «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида машқларга тайёргарлик кўриш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди ва ҳужжат қабул қилинди.

Томонлар Марказий Осиё минтақаси сув-энергетика ресурсларидан фойдаланишнинг янги стратегиясини ва бу соҳада бошқаришнинг иқтисодий дастакларини ишлаб чиқишни тезлаштириш муҳимлигини таъкидладилар.

Марказий Осиёдаги уч давлат ўзи танлаган тараққиёт йўлидан бормоқда. Шу боис бу мамлакатлардаги кечаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жараёнлардан халқларни огоҳ этиб туриш, ўзаро тажриба алмашиш мақсадида Президентлар «Марказий Осиё интеграция муаммолари» журналини ташкил этишга қарор қилдилар.

Учрашув якунлари тўғрисидаги Ахборотда қайд этилганидек, «давлат бошлиқлари марказий Осиёдаги бу давлатларда сиёсий барқарорликни сақлаш, иқтисодий ислоҳотларни ва демократик ўзгаришларни изчиллик билан амалга ошириш, бу давлатларнинг мустақиллигини ҳурмат қилиш, ҳудудий яхлитлик ва бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига риоя этиш асосида биргаликда амалий ҳаракат қилиши минтақадаги вазиятга ижобий таъсир қилади, халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш ишига ҳисса бўлиб қўшилади, деган яқдил фикрни билдирдилар».

Матбуот конференциясида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, ҳеч нарса, жумладан, кимнинг қандай иттифоққа қўшилгани ёки қўшилмагани ҳам, халқларимизнинг азалий бирлигига, Марказий Осиёда, аниқроқ айтадиган бўлсак, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон иқтисодиётларини яқинлаштириш жараёнига раҳна сололмайди. Биз азалий қардошлик , ҳамжиҳатлик, Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш йўлидан бораверамиз.

Ҳа, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Президентларининг Бишкекда бўлиб ўтган учрашувида ҳал этилган масалалар уч давлат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришда халқларимиз ўртасида дўстлик ва қардошликни мустаҳкамлашда янги муҳим босқич бўлди.



Мамлакатимизнинг барча туманларида болалар техник ижодиёт мактаблари мавжуд. Бу марказларда эса болалар томонидан ўйлаб топилган, улар қўли билан ясалган, кашф этилган ҳайратомуз нарсалар бисёр. Техникага қизиқмаган бола борми, дейсиз. Одатда инсон бирон нарсага бола пайтидаги каби қаттиқ қизиқа олмайди. Қизиқувчанлик, ҳамиша болаликка хосдир. Ва бу қизиқувчанлик, юқорида айтганимиздек, бисёр ҳайратомуз нарсаларни кашф қилажак.

Наманган вилояти Наманган туманидаги болалар техника ижодиёти марказида ҳам болалар муаллифи бўлган муъжаз кашфиётларни қўплаб учратиш мумкин. Марказда болаларга ўз иқтидорларини ошириш учун барча шароитлар яратиб берилгани қувончли.

Суратда: ушбу марказнинг конструкциялаш тўгараги раҳбари Аҳмаджон Жўраев шогирди Ҳикмат Мажидов ясаган комбайн моделини кўздан кечирмоқда. «Ажабмас, деяптилар уста шогирдни алқаб, — уч-тўртта бугдой пиширги утади-ю, бу комбайнлар ҳам майдонга тушади, улардан мустақил юрт тўкинчилиги йўлида фойдаланилажак!»

Р. АЛЬБЕКОВ сурати.

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

❀ Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг бош директори Арпад Бокш номидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга мактуб келди. Унда Ислом Каримовни Ўзбекистонда интеллектуал мулк ҳуқуқлари ҳомийси сифатида ЖИМТ олтин медали билан тақдирлашга қарор қилинганлиги, Президентимизнинг бу юксак мукофот билан мукофотланган биринчи давлат бошлиғи эканлиги мамнуният билан маълум қилинган.

❀ 3—4 май кунлари БМТ ва БМТнинг наркотик моддалар устидан назорат қилиш дастури ҳомийлигида Тошкентда наркотик моддалар устидан назорат ўрнатиш соҳасида ҳамкорлик қилиш масалаларига бағишланган халқаро семинар-конференция бўлиб ўтди. Унда Марказий Осиё ва бошқа давлатлар, нуфузли халқаро ташкилотлардан 200 нафарга яқин вакил иштирок этишди. Қатнашчиларга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов табрик йўллади.

❀ Республика Олий хўжалик судида ойлик ижтимоий-ҳуқуқий, илмий-маърифий «Хўжалик ва ҳуқуқ-хозяйство и право» журналини таништириш маросими бўлди. Маросимда республика Президенти матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст сўзга чиқди.

❀ Россия Президенти Борис Ельциннинг фармони билан Латвия, Литва ва Эстонияда доимий яшовчи иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига бир марта тўланадиган пул мукофоти бериладиган бўлди.

❀ Франс-пресс мухбирига Шамиль Басаев президент сайловлари арафасида Жоҳар Дудаев ўлими учун қасос олиш мақсадида Россия ҳудудида яна бир ҳаракатни амалга оширмоқчи эканлигини маълум қилди. Бу гал у гаровга ҳеч кимни олмайман, демоқда.

❀ Испания парламенти ўнг марказчилар Халқ партияси бошлиғи Хосе Мария Оснарни бош вазир сифатида тасдиқлади.

❀ Италиядаги юқори ишчи ва сиёсий доиралардаги катта коррупцияга қарши курашда фаол бўлган энг машҳур терговчи Антонио Ди Пьетро мамлакатнинг янги сўл марказчилар ҳукумати таркибига киришга розилик берди.

Яхшидан боғ қолади

КЎККА БЎЙ ЧЎЗГАН ҚАЛАМЧАЛАР

Кейинги пайтларда мамлакатимиз мактаблари турли мевали ва манзарали дарахтларга бурканмоқда. Тўғри-да, мева-чева ўзингдан чиққанига, бунинг устига ўқувчи-ёшлар соя-салқинда дам олиб, китоб мутолаа қилганига нима етсин.

Пахтачи туманидаги 16-ўрта мактабда ҳам бу борада талайгина ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, мактабда Қурбон Ражабов номли жамоа хўжалиги раиси, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Абдуназар Абдуалимов ёрдами билан 15 сотих ер майдонига 3 мингдан ортиқ тол ва терак каби дарахт қаламчалари экилди. Шунингдек, мактаб ҳовлисининг тўрт томонига 2 минг туп турли мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўзига хос дид билан ўтказилди. Мактаб директори Отаёр Умрзоқов боғ яратишдек савобли ишнинг бошида турди. Келажакда бу ёш ниҳолларнинг ҳар бири мактаб ўқувчи ва ўқитувчиларига катта фойда келтириши шубҳасиздир.

Яйра ТУРОБОВА.

Лотин алифбосини ўрганамиз

ҚИЙИН ЖАРАЁНГА ПУХТА ТАРАДДУД

Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосини ўзлаштириш қийин жараён. Бунга узоқ йиллар керак бўлади. Аммо катта сарфу харажатлар, қунт ва ҳафсала лозим бўлса-да, бу ёзувга ўтишимизнинг фойдаси ҳар жиҳатдан кўпдир. Шу маънодаки, Ўзбекистон Мустақил давлат бўлди. У жаҳондаги ривожланган, ривожланаётган мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишга хайрихоҳ. Бинобарин, лотин ёзуви жаҳон тилларига яқинлашувни таъминлайди.

Республикамиздаги махсус таълим-тарбия муассасалари ҳам бу мураккаб жараённи амалга оширишга тайёр турибдилар. Савод чиқариш 1-синфдан бошланади.

Янги ўқув йилидан бошлаб лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосини ўқитишда кўргазмали қуроллар ҳам бўлади. Ақли заиф, руҳий ривожланиши суст, шу ёзувда нутқ нуқсонига эга бўлган болалар ҳам одатдаги умумтаълим мактаблари учун чиқарилган «Алифбе»дан фойдаланадилар.

Кар ва заиф эшитувчи болалар эса ўз таълим даргоҳларида «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилаётган махсус лотин ёзувидаги «Алифбе»ни ўқийдилар.

Таълим-тарбия масканларида хизмат қилаётган ўқитувчилар, мураббийлар бу янгиликка интилиш ва қизиқиш билан ёндашяптилар. Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосини ўзлаштирган ўқитувчилар янги ўқув йили учун тайёргарлик ишларини бошлаб юборишди.

А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш марказий институтида эса кар ва заиф эшитувчи болалар мактаблари ўқитувчилари учун қўшимча курслар ҳам ташкил этилди.

Р. ШОМАҲМУДОВА,
РТИММ махсус таълим муассасалари лабораторияси мудири.

Менда таклиф бор

ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРНИНГ БИРИ

Биз қўпгина мактаблардаги ўқувчиларнинг аксарияти ўртача ўқишини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳали таълим-тарбия соҳасида талайгина ишлар қилишимизга тўғри келишини англаш қийин эмас. Менимча, бу ишни, энг аввало, малакали ўқитувчилар тайёрлашдан бошлаган маъқул.

Ҳақ гапни айтганда, кейинги 5—10 йил ичида педагогика билим юртларини битириб, муаллимлик дипломига эга бўлганлар кўпайиб кетди. Аммо чуқур билимли ва малакали, яъни сара ўқитувчилар кам. Бунинг устига бозор иқтисодига ўтиш шароити қийинчиликларига дош беролмаган юзлаб «чала мулла» ўқитувчилар дипломни сандиққа ташлаб, турли ишларга ўзларини урмоқдалар. Бу маънавиятга, иқтисодга салбий таъсир кўрсатмаяптими? Ахир давлатимизнинг минг-минглаб сўмлари шунинг орқасидан беҳуда кўкка совурилаяпти-ку, ахир! Давр эса ҳар бир сўмни ўз жойига сарфлашни талаб қилади.

Агар юқоридаги масалага жиддийроқ ёндашадиган бўлсак, педагогика билим юртини битирувчиларга бугунги кунда унчалик эҳтиёж йўқ. Ваҳоланки, биргина Сурхондарёда 3 та педагогика билим юрти мавжуд бўлиб, ҳар йили уни юзлаб ёшлар битиришаётир. Натижада ўқитувчилар орасида ишсизлар сони ортаяпти, холос.

Бизнингча, вилоятимиздаги учта педагогика билим юртига кетаётган сарф-харажатни камайтириб, ўрнига битта педагогика институти ташкил қилинса, мақсадга мавофиқ бўларди. Чунки янгиланаётган халқ таълими муассасаларига ҳар томонлама етук олий маълумотли ижодкор ва фидойи ўқитувчилар зарур.

Йўлдош ЭШБОЕВ,
Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги 3-мактабнинг олий тоифали методист ўқитувчиси.

Мулоҳаза

ЭҲТИЁЖ ТАРБИЯСИ

ёхуд «тарбияси оғир»ларни даволаб бўладими?

Аввало шуни айтиш лозимки, тарбияси «оғир» ёки тарбияси «қийин» бўлишлик наслий белги эмас. Ижтимоий-ҳаётий зарурат ёки буюртма ҳам эмас, балки умуминсоний тарбиянинг маҳсули холос. Шу даврга қадар педогогика илмида асосан «нормал» тарбия урганилиб келинди. «Миллий тарбия» тушунчасининг тикланиши ва ҳар қандай тарбия миллий тарбиянинг маҳсули эканлиги ҳаётий исботини топгач, «қайта тарбия» тушунчаси ҳам эҳтиёж тарбияси кўринишида жонлана бошлади.

Оддийгина қилиб айтиладиган «шўхлик» ибораси заминида келиб чиқадиган дилозорлик, безорилик, турли хил жанжаллар, чекиш ва ичкиликка бўлган майл, ўғирлик ҳамда ўзига хос жиноятларнинг келиб чиқиши, баъзан моддий ва маънавий эҳтиёжнинг маҳсулидек туюлади. Чунки масаланинг моҳиятига бозор муносабатлари нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, тарбия танглигининг келиб чиқиши ҳам гўёки табиий деб қаралиши мумкин. Психология илмидан маълумки, ҳар бир инсон ўзининг эҳтиёж қондириш йўлидаги ҳаракатига кўра бир биридан фарқ қилади.

Юқорида биз кундалик ҳаёт жараёнида бўлиши лозим бўлган тарбияни қисёсий таҳлил осонроқ бўлиши учун шартли равишда «нормал» тарбия деб олдик. Отаона ва ҳар қандай тарбия илмига алоқаси бўлган инсон тарбия, ўзўзини тарбиялаш ҳамда унинг методикасига оид ҳаётий тажрибаларни ва жумладан билим, кўникма, малакаларни узлуксиз эгаллаб боришлари лозим. Тиббиёт илмида «нормал анатомия», «нормал физиология» фани билан бир қаторда «патологик анатомия» ҳамда «патологик физиология» фанлари ҳам керагича урганилади. Аммо ҳамон тарбия илмида «патологик тарбия ва унинг методикаси» мукаммал урганилган эмас. Урганилган тақдирда ҳам унинг этимологияси, танглик моҳияти, олдини олиш чора-тадбирлари илмий асосда таҳлил этилмаган.

Илмий кузатишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, бугунги ўқитувчи, тарбиячи ва жамоат аҳли, тарбияси «оғир» бола тарбиясида кўпгина тўсиқларга дуч келиб, уни бартараф этиш йўл-йўриқларини тополмай қолишмоқда. Бунинг асосий сабаби, бўлажак тарбиячи ва ўқитувчи биз таъкидлаган «нормал» тарбияни урганиш билан чекланиб қолишмоқда. Мактаб ва оилада эса боладан фақат билим талаб қилинади. Шу аснода ўқувчи синфдан-синфга кўчаверади ҳам. Шу ўринда, тест-рейтинг методини такомиллаштириш ва уни узлуксиз педагогик таълим тизимида кенг жорий этиш ҳаракати мақсадга мувофиқлигини яна бир карра таъкидлаш лозим. Бу борадаги дастлабки қадамлар Сирдарё вилояти ва Тошкент шаҳар боғча ҳамда мактабларида, айниқса, «боғча-мактаб» комплексларидан бошлаб олиш мактабгача жорий этилиб, синовдан ўтказилмоқда. «Тест» методини такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб вазифаси экан, болани боғча ёши давридан босқичма-босқич ривожлантириб бориш ижтимоий-педогогик масала ҳисобланади. Тарбияланганлик ва билимдонлик биргаликда боланинг ижодкорлигида акс этади. Бунда боғча боласи ёки мактаб ўқувчиси ўзини ижтимоий (гуманитар) ёки конкрет фанлар йўналишларидан бирига мослигини кўрсата олади. Юқори синфларда ана шу йўналишларга мувофиқ ўқувчи қайси касбни танлаши ёки аллақачон танлаб келаётганлиги ҳам аниқ бўлади. Мабодо танлаб улгурмаган бўлса, бу томони ҳам маълум бўлади. Бунда ўқувчи касбни нечоғлик асосли, муайян мақсадга кўра унинг ўзига хос сир-асрорларини билиши (ёки билмаслиги), бунда ўқувчининг соғлиги, шахсий ахлоқий имкониятлари қанчалик мос кела олиши ва олмаслигига баҳо берилади.

Тест-рейтинг методи ва уни, айниқса, янги информацион (ахборот) технологиясини қўллаш орқали бошқаришнинг истиқболи, келажакда битирувчига ўрта мактаб томонидан бериладиган шаҳодатнома ва гувоҳномаси беш балли баҳо тизимидан воз кечишга олиб келади.

Олий мактаб дипломи ҳам худди ўрта мактабдаги каби талабанинг: 1) касб тарбияси; 2) касб таълими бўйича тўплаган рейтинг баллари йиғиндисига асосланилса, узлуксиз педагогик таълим тизимидаги узилишлар ва бўшлиқларнинг ўрни тўлдирилган бўлади. Ноанъанавий тарбия ва таълим учун кенг йўл очилади. Бу эса бугунги кундаги миллий тарбия ва миллий таълимнинг долзарб муаммоси ҳисобланади.

Тўғрисини айттанда, мактаб ва олий мактаб ўқитувчиси — дарс берувчи. Дипломларига ҳам икки тилда «математика», «биология» ёки «химия ва биология» ва ҳоказо ўқитувчиси деб ёзиб қўйилган.

Ўз-ўзидан равшанки, бирорта дипломда «тарбиячи ва ўқитувчи», — деб кўрсатилмаган.

(Давоми 2-бетда).

Имтиҳонга тайёрмисиз?

СИНОВ ПАЛЛАСИ

Май ойини ўқувчилару ўқитувчилар ўзгача бир ҳаяжон билан қаршилайдилар. Шу билан бирга сўлим баҳор фаслининг ва ўқув йилининг бу сўнгги ойи мактаб аҳлини аллақандай вазмин қилиб қўйгандай, уларни бирдан улғайтириб юборгандай туюлади, менинг назаримда. Чунки бу ой қуйи синф ўқувчиларининг энг катта таътилга чиқиш, битирувчи синф ўқувчиларининг мактаб билан хайрлашиш арафасидир. Ҳадемай имтиҳон палласи...

Барча мактабларда бўлгани каби бизнинг билим масканимизда ҳам имтиҳонларга пухта тайёргарлик ишлари аллақачон бошлаб юборилган. Ўтаётган ўқув йили учун тузилган имтиҳон билетлари асосида ўқувчиларга мунтазам консультациялар бериб борилмоқда. Ёзма ва оғзаки имтиҳонлар учун дафтарлар тахт қилиб қўйилган. 4, 9, 11-синф ўқувчилари эса жисмоний тарбиядан имтиҳон топшириб бўлдилар. Натижалари қувончли.

Мактабимиз жамоаси барча фанлар бўйича синфдан-синфга кўчириш ва битириш имтиҳонларини бахамжиҳат ўтказишга ҳаракат қилмоқдалар.

Муҳаббат ИКРОМОВА,
Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 196-мактаб директори.

ММММ — ХАБАРЛАРИ

«БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ВА МАКТАБ»

Ҳар бир бола бозор тушунчасига, энг аввало мактабда эга бўлади. Амдурё туманида ўтказилган «Бозор иқтисоди ва мактаб» мавзусидаги семинар-кенгашда ҳам худди шу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Унда мактаб директорлари, боғча мудиралари иштирок этиб, туман халқ таълими бўлими мудири Х. Қутлимуротованинг маърузасини тинглашди ва унинг айнан шу мавзу бўйича махсус малака ошириш курсларида олган билимлари билан ўртоқлашишди.

Анжуман якунида ҳар бир мактабда иқтисод дарсларини янада чуқурроқ ўргатилишига келишиб олинди.

ОНАСИНИНГ ОЙ ҚИЗЛАРИ

Яқинда Марҳамат туманидаги 33-ўрта мактабнинг юқори синф қизлари давра суҳбати ташкил этишди. Унга мактаб ҳудудидаги обрў-эътиборли онахонлар таклиф этилди. Онахонлар ўқувчи қизларга миллий маданиятимиз, аёлнинг оиладаги ўрни, ҳадисларда тилга олинган ҳаё, иффат, назокат, ахлоқ каби юксак инсоний фазилатлар ҳақида ўзларининг бой ҳаётий тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда сўзлаб, уларни қизиқтирган барча саволларга жавоб беришди.

ҚЎШ ЧИНОР

Бухоро давлат университетида айнан шу даргоҳда юзлаб сеҳрли мусиқалар яратган таниқли бастакор М. Бурҳоновнинг 80, Ф. Кароматовнинг 70 йиллик юбилейига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

Бухоро шаҳар ҳокими, Ўзбекистон Олий мажлиси депутати К. Камолов, университет ректори К. Муқимов ва бошқалар кеча сабабчиларига ўзларининг дил сўзларини изҳор этиб, уларга кучқувват тиладилар.

Дарвоқе, мазкур тантанада Улуғбек номли республика истеъдодларни қўллаш жамғармаси раиси И. Латипов ҳам қатнашиб, шу баҳона «Ўзбекистон — Ватаним, ифтихорим ва шоншарафим республика кўрик-танловининг бухоролик ғолибларига жамғарманинг пул мукофотларини топширди.

ИНТИЛИБ ЯШАГАН ЯХШИ

Ўзбекистон туманида 61 та мактабдан саралаб олинган ижодкор, малакали муаллимларнинг «Кўргазмали қуроллар» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танловда ўн тўрт фан бўйича 49 та кўргазма намойиш этилди. Ҳакамлар, айниқса, муаллимлар тайёрлаган турли мавзудаги кўргазмаларнинг ижодийлигига, замонавийлигига алоҳида эътибор қаратишди.

Танлов якуни 49-ўрта мактабнинг математика муаллими М. Абдураҳимовнинг «Тест синови» 1-ўрин, Фурқат ва Бухоро номли мактабдан Д. Иброҳимова, А. Асқаровларнинг «Изла, ўйла, топ», «Спорт жиҳози» каби кўргазмалари 2—3 ўринларга муносиб эканлигини кўрсатди.

Ғолиблар туман халқ таълими бўлимининг фахрий ёрлиқ ҳамда пул мукофотлари билан тақдирланишди.

СОВРИНДОРЛАР САЁҲАТ ҚИЛИШДИ

Самарқанд давлат университетининг тарих ва ҳуқуқшунослик маркази талабалари «Университет баҳори—96» конкурсида фахрли ўринни эгаллашган эди. Совриндорлар яқинда икки кунлик Тошкент саёҳатига юборилди. Саёҳат давомида улар Амир Темур хиёбони, А. Навоий боғи каби шаҳарнинг диққатга сазовор масканларини томоша қилишди.

Дарвоқе, саёҳат харажатларини тарих ва ҳуқуқшунослик маркази ўз зиммасига олди.

МАУЛЛИФЛАР: Ғ. ЁҚУБОВ, А. ЭРАЛИЕВ, Д. ЖАББОР, И. ХОЛМАТОВ, М. ОМОНОВА.

ЭҲТИЁЖ ТАРБИЯСИ

ёхуд «тарбияси оғир»ларни даволаб бўладими?

(Боши 1-бетда).

Ахир, тарбиянинг мақсади, мазмуни ва методлари таълимникидан каттагина фарқ қилади-ку! Тўғри, таълим ва тарбияни мутлақо ажратиб ёки уларга айрича қараб ҳам бўлмайди. Аммо ҳар қандай таълим тарбиянинг заминида шаклланиши ва ривожланиши лозимлигини ким тан олмайди? Тарбия кўрган инсоннинг таълими ёки касб-корига бир эътибор беринг-чи? Шунга мувофиқ «йирик шахс йирик олим бўлмаслиги мумкин, аммо йирик олим ҳамиша йирик шахс ҳисобланади» дейилади. Бунинг акси эса, олим бўлма, одам бўл нақлига тўғри келади.

Катталар кўпинча бировни койиганда «болага ухшама!» дейишлари одат тусига кириб қолган. Бу билан «бола ҳамиша гуноҳкор» демоқчи бўлишадими? Узларидаги қусурларни бегуноҳ болага ағдаришнинг нима кераги бор? Қани эди, болага ухшаб беғубор бўлинсада, дунёга боланинг беозор кўзлари, покиза қалби билан қаралса!

Илмий кузатишлар ҳозирги ўқувчиларнинг маълум бир фоизи ўқишга қизиқмай қўйганлигидан далолат бермоқда. Биз юқорида боланинг биринчи норозилиги ўқитувчи ва ота-онанинг билим талаб қилишидан келиб чиқмоқда, дедик. Шу ўринда боланинг қалбига қулоқ солиб, орзу ҳаваси, келажак режаси, дарду ҳасрати ва эҳтиёжини тинглаб, унинг кўз қарашларида қандай имо, мазмун борлигини ўқий олиш, шахс сифатида уни ҳурмат қилиш қанчалар буюк иш, буюк неъмат эканлигини унутмаслик лозим. Ана шундагина бола ҳимоясиз қолиб, кўнгли ўксиб, «кўр-кўрона эҳтиёж»ларнинг қулига айланиб қолмайди.

Ўзини-ўзи бошқара оладиган, мустақил дунёқарашга эга бўлган шахсгина мустақил давлатнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий ва интеллектуал қудратини барпо эта олади. Кимки мустақил равишда касбни эркин, ихтиёрий, онгли ва муайян асосга кўра танлаган бўлса, ундай шахс келгусида ўзини-ўзи бошқара олади. Бу жараён ўзига хос тарбия ва тарбиячилик, ҳамда устоз-шогирдлик маҳсули ҳисобланиб, узоқ йилларни ўз ичига олади.

Бугун биз тарбиянинг оғир юки, ечимини кутаётган қайта тарбия ҳақида фикр юритар эканмиз, қайта тарбиянинг энг қийин, боланинг ёш ва индивидуал-психологик хусусиятига кўра методикаси ишлаб чиқилмаган бўғини эканлигини алоҳида таъкидлаб утмоқчимиз.

Бу йўналишдаги конкрет фикрлар шундан иборатки, тарбиянинг мақсади, мазмуни ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, олий ўқув юртлари, қошида тарбиячи мутахассиси тайёрлайдиган махсус факультетлар ташкил этиш лозим. Бу муаммонинг иқтисодий, ҳуқуқий томонлари ҳам шу нарсани тақозо этади.

Инсон табиатнинг маҳсули. Табиат эса узлуксиз давом этади ва ривожланади. Инсон тарбияси ҳам узлуксиз давом этиб, такомиллашиб борадиган абадий жараён! Шунинг учун оила тарбияси муаммосидан бошлаб боғча, мактаб, олий ўқув юртлари ҳамда катта ёшлилар тарбиясини ўрганувчи «узлуксиз тарбия» дастури ва шунинг асосида бир нечта муқобил қўринишдаги дарсликлар яратилмоғи керак. Ана шунда тарбияси «қийин» болаларга муносабат ёки қайта тарбия методикаси тарбия таълими дастуридан ўз мавқеи ва обрусига қараб урин олган булади. Бу жараён чуқур ўрганилиб, булажак мутахассис учун тарбияси «оғир» болаларни ўрганишда алоҳида вақт ажратилиб «тарбия клиника»ларига бориш имконияти яратилади. У ерда талабани шунчаки тадбир ўтказиш билан шуғулланувчи ўқитувчи-тарбиячи эмас, тулақонли, дипломли (агар шундай дейиш бахтига муяссар этилса), мутахассис-тарбиячи кутиб олади. Тарбия бўйича бажарган илмий-методик ва амалий ишларининг якунига мувофиқ синов дафтарчасига баҳо қўйиб борилади. Якуний баҳода «ўртамиёна» деб топилган талаба рейтинг балларини қайтадан тўплашга жалб этилади. Моҳият эътиборига кўра тарбия амалиёти узлуксиз давом этиши ва ҳар қандай булажак мутахассис касб тарбиясининг мукаммал эгаси бўлиб шаклланиши учун талаба қўйи босқичданоқ касб тарбияси амалиётига жалб этилиши керак. Тиббиёт олийгоҳларида талабалар клиника амалиётига юқорида таъкидланганидек, биринчи босқичданоқ жалб этилади. Иш жараёнида ҳар бир шифокорга алоҳида ҳамшира хизмати ажратилади. Ўқитувчининг касб фаолиятида эса, ҳар қандай иш масъулияти унинг ўзига, ўзининг гарданига юклатилади. Ўқитувчи бир кунда юзлаб ўқувчилар билан муносабат тарбиясини амалга оширади. Юзлаб тарбиявий ҳолатларга, яъни ситуацияларга дуч келади. Узоққа бормай буни бир соатли дарс жараёни мисолида кўриб қўя қоладиган бўлсак, таълимнинг тарбиявий моҳияти янада ойдинлашган булади.

Мактабда деярли ҳар бир ўқитувчи (дарс берувчи) синф раҳбари деган шарафли вазифани ҳам уддалаши лозим. Ўқитувчи синф раҳбарлик фаолиятининг қулами шу даражада кенгки,бу-ларнинг барини сарҳисоб қиладиган бўлсак, бир нечта китоб бўлиши мумкин.

Синф раҳбари давлат ҳужжати ҳисобланган журнал тўлдириш олиб борсин? Синф раҳбари ўқув йилининг бошида дафтарига қуп нарсани режалаштиради. Ҳамма гап режада мўлжалланган ишларнинг юқорида таъкидлаганимиздек таъсирли, самарали ва унумли равишда ўтишида. Қани эди, ўша мўлжалдаги ишлар ўқувчининг қалбида из қолдириб, тарбиявий аҳамият касб этса!? Афсуски аксарият ҳолда нишонга олинган нарса бориб тегмайди. Урмонга ўқ узилгандек бўлиб қолаверади.

Энди «нима учун шундай бўлади?» деган саволга бугунги кунда ҳам ҳамон марксча-ленинча методология ғоясини унутмаган, коммунистик тарбиянинг таркибий қисмларини йилдан-йилга кучириб (ёки дафтарнинг жилдини янгилаб) ёзиб келаётган, бир қолипга тушиб қолган « ҳурматли» тарбиячиларимиз ҳам йўқ эмас. Тарбия ва таълим тизимидаги ана шундай қусурлар қайта тарбияга муҳтож болалар сонини оширса оширадики, аммо камайтирмайди.

Шу уринда бир мактаб ҳаётидан бирон гап чиққудек бўлса шу заҳоти тўрт томонга тарқалади. Бундай пайтларда айрим ножўя гап-сўзлардан синф раҳбари ҳам четда қўл қовуштириб тура олмайди. Лозим бўлса калтакнинг бир учи унинг ҳам бошига тушиши мумкин. Синф раҳбарига ҳеч ким» кечаси кўнгил очарга ёки тўйга борган ўқувчининг кетидан бориб назорат қилгин!» демайди. «Нотўғри тарбия берганинг боис ана шундай бўлди»дейилади. Бу гапда ҳам маълум даражада мантиқ бор.

Аксарият синф раҳбари дарс оралиғида ёки дарс поёнида ўзига бириктирилган синфга (вақт топиб) кириб «Салом болалар» ёки «Ваалайкўм ассалом», «Қани бугун ким икки олди?», «Ким тўполон қилди?», «Нега синф озода эмас?» каби ўқувчига маълум бўлиб қолган навбатчи ёки обҳаво маълумоти хабарига ухшаган (сўроқ ва дарак) гаплар билан чекланади. Эски кигизга ўхшаб қолган бундай гаплар албатта ўқувчида ҳеч қандай жонланиш уйғотмайди.

Синф раҳбарининг иш жараёнида ўқувчининг қалбида учмас из қолдирадиган, самарали тарбиявий дақиқалар ҳам бўлиб туради.

Аммо бундай «тадбирлар» юқорида қайта-қайта таъкидлаганимиздек, тарбиячининг асосий вақти дарс ўтишга, ўтганда ҳам 1,5-2 ставкада ишлаши, унинг фаолият қулами поёнсиз бўлганлиги боис, «ойда йилда» бир-икки маротабага тўғри келиши мумкин. Энди қандай вақт ҳисобига тарбиячи бола билан индивидуал да содир бўлган воқеани эслатиб ўтишга тўғри келади. Буни синф раҳбари фаолиятида десак янада аниқроқ бўлади. Воқеа тафсилоти қуйидагича бўлган: тоққа томоша сайри уюштирган тўққизинчи синф раҳбаридан ўқувчилари «Домла ўзингизга ичимлик олдингизми?» деб сўрашган. Тарбиячи соддалик қилиб бу саволга бефарқ қараган. Ўқувчилар эса ўзлари билан икки шиша ароқ олишган бўлади. Тоғда икки ўқувчи ўша қўлбола тайёрланган нўшакидан заҳарланиб қолишади. Тарбиячиси ёрдам сураб тоққа яқин қишлоққа юрак ҳовучлаб югуриб келган. Қишлоқда эса дўхтир бўлмаган. Қишлоқ одамлари кўмагида шифокорни туман марказидан олиб келишган. Иккала бола ҳам шифохонада узоқ даволаниб ўзига келган.

Шаҳар мактабларининг бирида умуммактаб ота-оналар мажлисида «Б» исмли бешинчи синф ўқувчисининг онасига мактаб директори тўғридан тўғри «Болангизни эплай олмасангиз нега туғдингиз?» деган ҳайфсан берганлигининг гувоҳи бўлдик. Бола нотўлиқ биладиган экан. Онаси етишмовчилиқ баҳонасида уйга бегона одамни квартирант қилиб олади. Буни курган ўсмир аввалига тўғри тушунади. Астасекин бола айрим «муносабат» тарбиясига хос ҳолатларни пайқагач, онасини рашк қилиб, қишлоқда яшовчи бобосиникига кетиб қолади. Бобосиникида зерикканда шаҳарга келади. Шаҳардан «дакки» еганда яна кунгли тусаган жойларда юра бошлайди. Натижада сурункали дарслар қолиб кетади. Шу оралиқда «Б» «норформал гуруҳ лидер»лари топшириғига биноан майда бузуқчилик ишларига ҳам қўл уриб улгуради. Биз боланинг ўзи ва онаси билан бир неча маротаба учрашдик. Воқеанинг тафсилотини тўлиқ ўрганиб бўлгач, оиладаги «меҳмон»нинг ўрнига университетда ўқувчи талаба қизларни ажратдик. Тарбияси қийинлашиб келаётган «Б»ни яна мактаб бағрига қайтардик. Унинг интизоми ва дарслардан ўзлаштиришларини бир ўқув йили давомида кузатиб бордик.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Аммо ҳамма гап ҳар хил қусурлардан холи бўлган умуминсоний тарбияни амалга оширишда. Бобокалонимиз Амир Темур ўзининг тузукларида «Ёмон таом баданга қандай зиён қилса, ёмон хатти-ҳаракат ҳам одамга шундай таъсир кўрсатади», — деб бежиз айтмаганлар.

Яқинда Сирдарё вилояти прокуратураси тарбияси «қийин» ўсмирларга бағишлаб мўъжазгина конференция ўтказди. Вилоят прокурори Ф.Х.Раҳимов ўз маърузасида 1995 йилда вилоят бўйича 4164 ўсмир жиноятга қўл урганлигини куйиниб гапирди. Бу қанчалик катта рақам! Аслида вилоятда «битта тарбияси оғир бола бор эмиш» дейишликнинг ўзи даҳшат бўлиши лозим эди. Чунки ана шу биттани Республика бўйича умумлаштирганда 15-20 тага етиб қолиш эҳтимоли бор эди-да!

Тарбияси «оғир» деган сўзнинг ортида инсон, яратувчи, конкрет шахс турибди. У ўғри ёки бузғунчи бўлиб туғилмаган-ку! Масалан, Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманига қарашли 21-ўрта мактаб тарихида бironта ҳам тарбиясида нуқсони бор бола чиқмаган. Хабарингиз бор, бу мактаб « Йил мактаби —95» конкурсининг ғолиби деб топилди. Директори Узбекистон халқ ўқитувчиси, ижодкор мураббий Б.Розиқов ҳисобланади. Бу борада мана шундай мактабларда олиб борилаётган тарбиявий ишлар тажрибасини кенг оммалаштириш вақти келди. Қолаверса, оила, мактаб, ҳуқуқ-тарғибот органлари ва диний қўмиталарнинг ҳамкорликда иш юритувини таъмин этувчи истиқболли дастур ишлаб чиқилиб, дастур асосида йилига камида икки-уч маротаба вилоят аҳамиятига эга бўлган амалий давра суҳбатлари, семинар ва конференциялар ўтказиб борилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Ана шунда маълум даражада тарбияси «оғирлик»нинг олди олиниб, ўз вақтида тегишли диагностик, прогностик ва профилактик ишлар олиб бориш имконияти яратилади. Мустақил ҳаётимизда содир бўлиши мумкин бўлган иллатларнинг олди ўз вақтида олиниб, соғлом авлод тарбияси йўлида олиб борилаётган ижодий ишлар меваси ўз ҳосилини бера бошлайди.

Ҳабибулло АБДУКАРИМОВ,
тарбияшунослик фанлари номзоди, доцент.

Янги турдаги билим масканлари

ИСТИҚЛОЛ ҚАЛДИРҒОЧЛАРИ

Эртанинг замини бугун яратилади. Бугун гуллаётган дарахтлар эртага ҳосил беради. Бу ҳосилнинг нақадарлиги унинг боғбонига боғлиқ. Шу боисдан ҳукуматимиз бугунги ёш авлоднинг замон талаблари даражасида билим олишига алоҳида эътибор бермоқда. Ана шу эътибор туфайли республикамизда қатор янги типдаги лицейлар очилиб, ибратли фаолият кўрсатаяпти. Шундай янги билим масканларидан бири бундан роппа-роса тўрт йил муқаддам Самарқандда Ўзбекистон Республикаси ва Туркия жумҳурияти ҳукуматлараро келишуви асосида иқтисдорли ўғил болалар лицейи ташкил қилинган эди.

Бугунги кунда лицейда 192 нафар ўқувчи дунёнинг илғор мамлакатларида синалган усуллар асосида таълим олишмоқда. Айни пайтда лицей Самарқанд давлат чет тиллари институти қошида фаолият кўрсатаяпти. Институт ректори Юсуф Абдуллаевнинг таъкидлашича, ўтган ўқув йилида республика «Истеъдод» ёшлар маркази ходимлари билан ҳамкорликда психологик усуллар ёрдамида иқтидори юқори бўлган ўта зеҳнли мактаб ўқувчиларидан (54 минг ўқувчидан) 65 нафари ўқишга қабул қилинган.

Бизга маълум бўлишича, лицейга ўрта мактабнинг 8-синфини битирган иқтидорли ўғил болалар қабул қилиниб, бир йил давомида инглиз, турк ва ўзбек тилларидан чуқур билим олишади. Тайёрлов синфини тугатганлар 9-синфга қабул қилинади. Ўқувчилар ўз хоҳишларига кўра, табиий ва ижтимоий фанлардан билим олишлари учун махсус гуруҳларга ажратиб ўқитилади.

Биз ушбу билим масканидаги ўқувчилар ўчун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдик. Лицейда ўқув-машғулот хоналари, лаборатория, компьютер, видео хоналари, ҳатто дам олиш учун махсус хоналар муҳайё.

Лицей ўқувчилари пароболик антенна орқали инглиз тилида дунёнинг бир қанча мамлакатлари янгиликларини кўриш имкониятларига эга. Шунингдек, ўқувчилар бўш вақтларида минглаб китоб заҳирасига эга бўлган кутубхонада мутолаа билан банд бўладилар. Шу боис ҳам 1994 — 95 ўқув йилида лицей ўқувчилари барча фанлардан вилоят олимпиадаларида ҳам яхши қатнашишди. Бундан ташқари АҚШнинг «АКСЕЛС» ташкилоти томонидан ўтказилган синовда 11 нафар ўқувчи энг юқори кўрсаткичларга эга бўлди. Уларнинг АҚШ лицейларига ўқишга юборилиши кўзда тутилмоқда.

Албатта, улкан ютуқлар ўз-ўзидан келмайди. Ғалабалар — заҳматли меҳнатлар маҳсули. Лицейнинг ҳам бугунги ютуқларида Ўзбекистон Республикаси томонидан лицей мудири Комил Исмоилов, Туркия жумҳурияти томонидан лицей мудири Мехмет Қижир ўғлининг саъй-ҳаракатлари беқиёсдир.

Лицейда дарсдан сўнг илмий машғулотлар ўтказиш яхши йўлга қўйилган. Бу соҳада Самарқанд давлат дорилфунунининг, Самарқанд давлат чет тиллар институтининг малакали мутахассислари ўқувчиларга аниқ режалар асосида машғулотлар олиб боришмоқда. Бу илмий семинарларни ўтказишдан мақсад, ўқувчиларга ўрта мактабларда ўтиладиган дарсларни чуқурроқ тушунтириб, билимларини янада бойитишдир.

Шуни ҳам қайд этиб ўтиш жоизки, лицейда ўқувчиларга тиббий, маиший, маданий хизмат ҳам яхши йўлга қўйилган. Ўқувчиларга кенг ва шинам 250 кишига мўлжалланган ошхонада тўрт маҳал бепул иссиқ овқат берилади. Бу, албатта, ҳукуматимизнинг ёш авлодга бўлган бугунги эътиборининг яққол нишонасидир.

Ҳа, бу илм даргоҳида сабоқ олаётган ўспиринларнинг қалбида мустақиллик, Ватанга меҳр ҳис-туйғулари мавж урмоқда. Бу тонг ёғдусидек тиниқ, нурли туйғуларни олис қишлоқлардан келган Улуғбегу Алишернинг, Жасурбегу Фарҳодларнинг кўзларида мужассамлигини дилдан туйдик. Улар она-Ўзбекистоннинг эртанги куни, истиқболи ва келажаги учун илм чўққиларини забт этиш йўлида астойдил интилмоқдалар.

Тошпўлат РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Шавкат СОРИЕВ.

ИЛМГОҲ ЗИЁХОНАСИ

Навоий давлат педагогика институти ўқув кутубхонасида бўлсангиз бу ердаги саранжом-саришталик, тартиб-интизом ва озодаликни кўриб дилингиз яйрайди. Кутубхона бурчакларидаги тувакларда турфа хил гуллар. Ойналардаги покиза оппоқ пардалар киши кўзини қувонтиради.

Бор-йўғи тўрт нафар кутубхоначи ва ходим ишлаётган мазкур зиё масканида ойнома ва рўзнома тахламлари, шунингдек, китоблар ўта нозик дид билан териб қўйилган. Унинг деворларида муҳим сана ва тадбирларга аталган экспонатлар, давлат ва сиёсат, фан ва маданият арбобларининг асарлари. Деворий газеталарда тарихий шахсларнинг ҳаёт йуллари акс эттирилган.

Кутубхонадаги китобларнинг умумий сони 31 минг 879 нусхадан иборат бўлиб, уларнинг аксариятини илмий ва бадиий асарлар, ўқув қўлланмалари ташкил этади. Шу уринда кутубхонага институт раҳбарияти томонидан кўрсатиладиган ҳамкорликларни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Масалан, кутубхона 1996 йил учун институт ҳисобидан мамлакатимиз ва хорижда нашр этилаётган 17 хил рўзнома ҳамда 23 хилдаги ойномаларга обуна бўлди. Бу эса ўз навбатида таҳсил олаётган талабалар билим доирасининг кенгайишига, дунёқарашининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатяпти. Бу уринда зиё маскани фаолиятини жонлантириб, талаба ва профессор-ўқитувчиларга намунали даражада хизмат кўрсатаётган кутубхона мудираси Махфират Ражабова, ўқув зали ходимаси Муҳаббат Тошева, кутубхоначилар Матлаб Турдиниёзова ва Нафиса Шукуровалар меҳнатини алоҳида қайд этиш уринлидир.

МУХБИРИМИЗ.

ИСТИҚБОЛЛИ ИҚТИДОРЛИЛАР

Мирзо Улуғбек номли Тошкент давлат университетида Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган «Шу азиз Ватан — барчамизники» мавзусида ёш олимлар ва талабалар II республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Узбекистон Республикаси Олий ва урта махсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат университети, Узбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қумитаси, Узбекистон Республикаси Ёшларининг «Камолот» ҳамда Узбекистон талабалар жамғармалари томонидан уюштирилган бу илмий анжуманга республикамизнинг барча олий ўқув юртларидан ёш олимлар, мутахассислар, чет эллик меҳмонлар келишди.

Иштирокчилар эрта тонгда пойтахтимиздаги Амир Темур ва Алишер Навоий ҳайкаллари пойига гулчамбарлар қўйишди. Сунг ТошДУ Маданият саройи залида анжуманнинг очилиш маросими бўлди. Илмий-амалий конференцияни университет ўқув ишлари бўйича проректори Азиз Ворисов кириш сўзи билан очгач, олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи муовини Қаҳрамон Аллаев анжуман қатнашчиларини табриклади. Ялпи йиғилишда профессор И. Раҳимов «Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалалари» мавзуида маъруза қилди, сунг университет тарихи ҳақида кинофильм намойиш этилди, олий ўқув юрти ёшларининг «Шоввозлар» театр студияси анжуман иштирокчиларига катта концерт ва кулгу дастурини тақдим этди.

Конференциянинг ватанпарварлик ва маънавият, фалсафа, психология, социология, тарих, ҳуқуқшунослик, узбек филологияси ва журналистика, хорижий тиллар, ўқув услубий фанлар, умумий техника фанлари, физика, механика, математика ва кибернетика, геология ва география, биология, тупроқшунослик, тиббиёт назарияси ва доришунослик, кимё ва иқтисод каби 14 асосий йўналишдаги шўъбаларида республикамиз вилоят ва шаҳарларидан келган 86 нафар талаба ва ёш олимлар маърузалари тингланди ва муҳокама қилинди.

Илмий-амалий конференциянинг якунловчи йиғилишида энг яхши илмий ишлар муаллифларига махсус гувоҳнома, диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Н. ОЧИЛОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

«ОЛТИН БАЛИҚЧА» ҲАҚИДА ҲИКОЯ

Олтин балиқча. Албатта бу сўзни эшитишингиз билан эртакдаги олтин балиқчани эслайсиз. Биз эса сизга ҳаётдаги олтин балиқча, аниқроғи, Юнусобод туманидаги 537-«Олтин балиқча» болалар боғчаси ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

Бу болалар боғчаси замонавий услубда қурилган, барча талабларга жавоб бера оладиган тарбия ўчоқларидан ҳисобланади. Бугунги кунда бу жажжилар масканида 500 нафар кичкинтойлар меҳр оғушида тарбияланмоқдалар.

«Олтин балиқча»нинг ўзига хос тарбиявий жиҳатларидан бири шундаки, бу болалар боғчасида спортга алоҳида аҳамият берилади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти билан ҳамкорликда жисмоний тарбия бўйича иш режалари қайтадан ишлаб чиқилди. Бу эса «Соғлом авлод учун» дастурини бажаришда жуда қўл келмоқда. Жисмоний тарбия бўйича ўтказиладиган машғулотларнинг ноанъанавий усуллари йўлга қўйилди. Бу машғулотлар ўйин тарзида ўтказилаётгани, айниқса, кичкинтойлар учун жуда қизиқарли бўлаётир.

Кези келганда қайд этиб ўтиш жоизки, бу жажжилар масканида болалар эрталаб боғчага келишлари билан очиқ ҳавода жисмоний тарбия машғулотларини ўтказадилар. Кичкинтойларнинг спорт билан шуғулланишлари учун барча спорт анжомлари, алоҳида хоналар ҳам мавжуд. Ундан ташқари, «Олтин балиқча»да 12 та ҳовузча ҳам борки, бу боғчадаги ҳар бир боланинг сузишни ўрганишига хизмат қилмоқда.

Спорт байрамлари, ҳар хил мусобақалар мунтазам равишда ўтказилиб туриладиган бу боғчада республика Таълим илмий-методика маркази жисмоний тарбия бўлимининг бош методисти, доцент К. Маҳкамжонов, мудира С. Кассирова, массажист Ў. Ҳамзаева, услубчи Д. Аҳмедова ва бошқалар жажжиларнинг ҳар томонлама соғлом, эпчил, довюрак ва чаққон бўлиб улғайишлари учун ҳамкорликда иш олиб боришаётгани нур устига ёъло нур бўлмоқда.

Улуғбек АҲРОРОВ.

9 май — Ғалаба куни

БУЛОҚҚА БИТИЛГАН НОМ

Ривоятларга қараганда қадим тоғликларда шундай урф бўлган экан: тоғлик қизу келинчаклар эрта тонг билан баробар уйғонишиб, бошлари узра кўзаларини кўтарганча булоқ бўйига боришаркан. Улар булоқ сувига юз-қўлларини ювишар ва яна одатга кўра бир неча қултум сув ҳам ичиб қўярканлар. Тоғликларнинг фикрича, булоқ суви, айниқса, эрта тонгда ўта мусаффо, ширин ва шифобахш бўлармиш... Қадим-қадимдан тоғлиқ қизларнинг қоматлари тик ва гўзал, юзларининг тиниқ, ҳатто товушларининг ҳам майин ва ёқимли бўлишига асосий сабаб ана шу булоқларнинг шифобахш сувлари эмиш...

Чакилкалон тоғ тизмалари этагида жойлашган Лангар қишлоғида табиатнинг гўзал тимсоли бўлган бундай булоқлар кўп. Уларнинг сувлари бири-биридан шифобахш. Бошман эса Лангардаги барча булоқларнинг «сардори» ҳисобланади. Кўпчилик келиб-кетувчилар, саёҳатчилар бу булоқ Лангардаги чашмаларнинг каттаси бўлгани учун ҳам «Бошман» номини олган бўлса керак, деб, ўзларича «фалсафа» юритадилар. Худди шу фикрни биз ўзимиз ҳам жойларда кўп бора эшитганмиз. Аслида булоқнинг номланиши ҳам ўз тарихига эга.

Дарҳақиқат, бу булоқ азал-азалдан мавжуд. Бироқ унинг сувидан одамлар ичишмас, назардан четда эди. Лангарлик йигит Бошман Бобомуродов ана шу булоқ кўзини очиб, уни катталаштирди, атрофига турфа ниҳоллар ўтқазди, яхши ният билан булоқ бўйида камтарона кулба қурди. 21 ёшли Бошман ана шу булоқ бўйида илк орзусига етди. Яъни айнан шу манзилда шўх ўйин-кулги, ўлану алёрлар янграб, севганига уйланди...

Ватан — қадим-қадимдан оташ олови ўчмай келаётган муқаддас ўчоқ! Ватан — бу меҳрибон она қишлоқ. Ватанга немис-фашист газандаларининг бостириб киришини содда, тўпори Бошман ҳам вужудига сиғдира олмади. У 1941 йилдаёқ чимилдиқдаги қайлиғи билан хайрлашиб, фронтга, муқаддас тупроқ ҳимоясига отланди.

Келинчак ҳар кун эрта тонг билан баробар уйғонар, юз-қўлини булоқ сувига ювар, минг дардга кўмилганча, булоқ бўйида Бошмани билан ўтган атиги бир ҳафталик ширин ҳаётини қўмсарди. У Бошманини фронтдан эсон-омон ғалаба билан қайтишини, булоқ бўйида солдат тўйи бўлишини, полвон жуссасига аскарча кийим ярашиб турган умр йўлдоши билан қандай кўришиш режаларини тузар, бири-биридан ширин хаёллар сурарди...

Келинчак субҳидамнинг ўзидаёқ булоқ бўйини супириб-сидирар, қайлиғи не-не орзу-умидлар билан экиб кетган ёш ниҳолларга меҳр билан сув тарар, унинг кетмони билан ёш ниҳоллар остига ишлов берарди...

Минг афсуски, келинчакнинг орзулари рўёбга чиқмади. Табиат унга нисбатан аёвсиз ҳукм чиқарди. Орадан 2 йил ўтгач, қўлларида ғижимланган «қора хат» тутган бахтсиз келинчакнинг аччиқ фарёди булоқни йиғлатди, тоғни титратди...

Яқинда бир гуруҳ меҳмонлар билан Бошман булоқда дам олдик. Булоқ атрофи зич дарахт билан ўралган, булбуллар сайраяпти. Чироқчи тумани ҳокимлиги, «Қалқама» жамоа хўжалиги маъмурияти Бошман булоғига алоҳида эътибор қаратибди. Лангардаги А. Навоий номли ўрта мактаб жамоаси булоқ бўйини ободонлаштириш ва уни муҳофаза қилиш ишларини ўз зиммаларига олишибди. Мазкур мактабни 1980 йилда битирган ёшлар булоқ бўйида Бошман Бобомуродов хотирасига бағишлаб мармар ёдгорлик ўрнатишибди...

Уруш қурбонлари руҳини шод этиш, улар орзу этган ишларни давом эттириш... Ҳамма-ҳаммаси бу дунёнинг савобли ишларидир. Хурсанд бўлдик.

Булоқ-чи? У ҳамон соҳиби Бошман Бобомуродов хотирасини куйлаганча ўт-ўланларга, дов-дарахтларга, одамларга зилол ва шифобахш сувини улашиб турибди. Йўқ, — ўйладим мен, — Бошман ўзига тириклигидаёқ ўчмас ном, мангу ёдгорлик ўрнатган экан. Ҳа, бу булоқ оддий ва одатий булоқлардан эмас, балки ёдгорлик. Бу сув Бошманнинг ушалмаган армонлари, бахти қаро қайлиқнинг ҳамон қуримаган кўз ёшларидир...

Абдували ОБИДДИНОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

Тошкент шаҳридаги 28-мактабда ўқувчиларга таълим-тарбия бериш ҳамда уларни касбга йўналтириш бўйича намунали тадбиркорлар амалга оширилаётир. Илм масканининг лицей синфида қобилиятли болалар билим олишмоқда. Улар биринчи синфдан бошлаб инглиз, лотин тилларини ўрганиш билан бирга компьютер аппаратларидаги ахборотлар, халқ оғзаки ижодидан ҳам таълим олаётирлар. Болаларга 30 йиллик педагогик тажрибага эга бўлган I тоифали ўқитувчи Сабиҳа Мирмуҳамедова билим бермоқда.

Мазкур мактабда турли тўгараклар ҳам фаолият кўрсатаётир. Жумладан, махсидўс»злик тўгарагига болалар зўр иштиёқ билан иштирок этмоқдалар. Ўз касбининг моҳир устаси Шукрулло Боборахмедов махси тикишнинг ўзига хос нозик сирларини ўқувчиларга сидқидилдан ўргатаётир. У бу касбни отаси — Абдулла отадан ўрганган.

СУРАТЛАРДА: 1). Сабиҳа Мирмуҳамедова дарсда.

2). Ўқувчилар Ш. Боборахмедов билан ўзлари тиккан махсиларини кўздан кечирмоқда.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.



Сиртқи дарс

АМИР ТЕМУР КУТУБХОНАСИ

Буюк давлат арбоби, соҳибқирон бобомиз Амир Темур беқиёс маданият ва маънавият соҳиби бўлиб, ўз замонаси олимларининг илм билан шуғулланишлари учун катта шароитлар яратиб берган инсон ҳам эди.

Амир Темурнинг тарих олдидаги хизматларини бирма-бир таърифлаб, олим Б. Аҳмедов шундай деб ёзади: «Туркистон заминини зироатчилик, ҳунармандчилик, илм-фан ва маданияти ривожланган мамлакатга айлантирди».

Амир Темур Турон илму фанини, маданиятини дунёга танитишга замин ҳозирлаб берди. Илмий изланишлар сабаб, унинг бу фаолиятига боғлиқ янги манбалар қўлимизга тушди. Хусусан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат кутубхонаси нодир китоблар ва қўлёзмалар бўлимида «Туркистон тўплами» («Туркистанский сборник») деб аталмиш 594 жилддан иборат китоблар бор. Бу катта тарихий, илмий аҳамиятга эга бўлган «тўплам» 1867-1916 йиллар давомида В. И. Межов ва унинг изҳошлари томонидан тузилган эди. У «Осиё давлатлари ва асосан Туркистон ўлкаси» халқлари тарихи, этнографияси, археологияси, қишлоқ хўжалиги, саноати, ҳунармандчилиги савдоси, халқ таълими ва бошқа кўпгина соҳалари тўғрисидаги ўша давр рўзнома ва журналларида чоп бўлган илмий мақола ва асарлар тўпламидан иборатдир. Тўпламнинг яна бир жиҳати шундаки, у бир нусхада тайёрланган бўлиб, Кауфманнинг шахсий кутубхонаси учун чиқарилган. Унда русларнинг ўлкани ҳар жиҳатдан ҳам ижтимоий-сиёсий, ҳам ҳарбий стратегия, ҳам илмий ўрганиб ёзган асарлари, мақолалари, саёҳат кундаликларини ўзларининг мақсадлари — бойлик орттириш, босиб олинган ерларни кенгайтириш йўлида фойдаланганлар. Ундаги кўплаб илмий маълумотлар «Осиё ва Туркистон ўлкаси» тарихини ҳар томонлама ёритишга ёрдам беради.

Тўпламни варақлаган киши Амир Темур тўғрисида инглиз, француз, испан, рус, немис тарихчилари ва саёҳатчилари ёзиб қолдирган манбалар борлигининг гувоҳи бўлади. Бу манбаларда соҳибқироннинг Самарқандда ташкил этган катта бой кутубхонаси тўғрисида маълумотлар берилади. Кутубхона ташкил этган Амир Темур ўз замонаси олимларининг китоблари-ю, қўлёзмаларини бир ерга тўплайди. Кутубхонани янги асарлар билан бойитади. У ҳарбий юришлар вақтида фатҳ этилган мамлакатлардан ҳам китоблар ва қўлёзмаларни Самарқандга жўнатган. Унда юнон, лотин, сурёний, холди арман ва бошқа халқларнинг кўплаб қўлёзмалари ва китоблари ҳам сақлангандир. Солиҳ Салоҳиддин ёзади: «Кутубхона шарқда Ҳиндистон билан Хитойдан тортиб, ғарбда Русияю Арманистону Румга қадар ястанган мамлакатларда яратилган юзлаб-минглаб китоблардан иборат бўлган, дейишади». («Соҳибқирон кутубхонаси бўлганми?», «Ўзбекистон contact» — 1991 йил, 11-сон). И. И. Сикора эса, Амир Темурнинг илму-маърифат фидойиси ва маданият жонкуяри бўлганлиги тўғрисида қуйидаги фикрларни билдирган: Амир Темур нафақат ҳарбий саркарда ва давлат арбоби бўлиш билан бирга, ҳар томонлама ривожланган киши эди. У илму фанни, санъатни тушунган инсон бўлиб, ҳар ерлардан олимлар, санъаткорлар, меъморларни тўплаган. У Самарқандда Фанлар академияси очиб ўз халқининг ҳар томонлама ривожи учун қайғурган». («О памятнике Улуг-Бегу», «Туркестанский сборник», том — 589, 96-бет).

Бу кутубхонада учинчи халифа ҳазрати Усмон номи билан боғлиқ «Қуръон» ҳам сақланган. Китоб ва қўлёзмалардан одамлар фойдаланишган, кутубхонадан уларни олиб чиқиш эса тақиқланган. Солиҳ Салоҳиддиннинг ёзишича, 1868 йили 2 май куни, яъни рус қўшинлари Самарқандни босиб олганларидан бошлаб шарқшунос А. Кун Соҳибқирон кутубхонасини топишга астойдил ҳаракат қилади-ю, лекин топа олмайди. Бунда яна ёзилишича, Ўзбекистон Республикаси Марказий архивида ғалати бир ҳужжат сақланади. 1869 йил 16 октябрда Зарафшон округи бошлиғи қаламига мансуб расмий хатда «шу тобғача Самарқанддаги қадимий кутубхонанинг изларини топиш имкони бўлмаганлиги» тўғрисида гап боради. Энди «Туркистон тўплами»даги манбага қайтамиз. Арманистонни фатҳ этгандан сўнг, Амир Темур у ердаги кўплаб арман китоблари ва қўлёзмаларини ҳам олиб келтиради. Улар орасида Марабас Годин томонидан тўпланган арман халқи манбалари жуда кўп бўлган. Бу ҳақда арман тарихшуноси Моисей Хоренский ҳам маълумотлар ёзиб қолдирган. Самарқанд руслар томонидан босиб олинганидан кейин, Туркияда яшаган арман халқлари Константинополдаги рус элчиси генерал Игнатьевга илтимоснома жўнатганлар. Улар Ташқи ишлар вазирлиги ва Туркистон генерал губернаторидан Самарқанддаги қадимги Амир Темур кутубхонасини топиб ва ундаги арман халқлари китоб ва қўлёзмаларини қайтариб беришни сўраганлар. Шундан кейин руслар Амир Темур кутубхонаси билан қизиқиб, уни излай бошлаганлар. Шаҳарнинг масжид ва мадрасаларидаги қўлёзмалар ва китоблари йиғиб Санкт-Петербургга жўнатганлар. Улар орасида учинчи халиф «Усмон Қуръони», «Мир Барака тарихи», Муҳаммад Наршаҳийнинг «Бухоро тарихи» ва бошқа кўплаб қўлёзмалар ҳам бўлган.

«Тўплам»да А. П. Хорошхиннинг ёзишича, бундан беш аср муқаддам Самарқандга олиб келинган учинчи халиф Усмон «Қуръон»и 1876 йили Хўжа Аҳрор масжидидан топилиб, Петербургга Самарқанддан олинган барча китоблар ва қўлёзмалар қаторида Император Оммавий Кутубхонасига жўнатилган. («Первый коран», «Туркестанский сборник», том 116, 238-241-бетлар).

Ҳозирда, Ўзбекистон Республикаси Алишер Навоий номидаги Давлат кутубхонасида Санкт-Петербургдаги «Қуръон»дан кўчирилган нусхаси сақланмоқда. «Туркистон вилояти газети»нинг муҳаррири Остроумов «Усмон Қуръони»ни 1904 йилда Петербургга борганда 50 нусхага кўпайтирган эди. 25 нусхасини императорга совға қилиб, қолганини касбдошларига тарқатган.

Самарқандда руслар томонидан топиб олинган китоб ва қўлёзмаларда арман халқи манбалари бўлмаган, русларнинг йиллар давомидаги изланишлари эса натижа бермаган.

Соҳибқирон томонидан ташкил этилган Самарқанддаги кутубхона ўз давридаги бой китоб ва қўлёзмалардан ганжинаси ҳисобланган.

Қўлёзмалар каталогларининг гувоҳлик беришича, Амир Темур кутубхонасига тегишли баъзи китоблар Истамбул музейларида сақланмоқда.

Бундан 7-8 йил бурун ўзбек адибларининг бир гуруҳи Мўғулистонга борганда бир ғордан ярим миллион жилд шарқ тилларида ёзилган китоблар топилгани хабарини келтирган эдилар. «Ноумид Шайтон!» Зора Буюк Бобомиз тўплаган китоблар ул зоти муборак руҳи поклари қўллаб, ворисларига қайтса...

«Туркистон тўплами»да Амир Темурнинг Турон маданиятини ва маънавиятини ривожлантириш билан бирга, унинг буюк давлат арбоби, саркарда, талантли меъмор бўлганлиги тўғрисида ҳам маълумотлар етарлича. «Тўплам»да Амир Темур даври маданий ёдгорликларига эса ижобий баҳолар берилгандир.

Ҳозирда, миллий қадриятларимиз тикланиб, буюк боболаримиз тарихини чуқур ўрганаётган бир пайтда, Амир Темур тарихини унинг тўғрисида ёзилган илмий мақола ва асарларини янада кенгроқ, чуқурроқ ўрганиб, Амир Темур даврида буюк ТУРОН халқлари маданияти ва маънавияти ривожланган эканлигини исботлаш биз тарихчиларнинг асосий вазифамиз ва тарих олдидаги бурчимиздир.

Азамат ҚУРАҲМЕДОВ.

ЗАМОН АРДОҚЛАЙДИ СОҲИБҚИРОННИ

Бу йил жаҳонгир бобомиз Амир Темур таваллудига 660 йил тўлди. Бу сана мамлакатимизда кенг миқёсда нишонланмоқда. Яқинда Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги Огаҳий номли 216-урта мактабда ҳам бобомизга бағишланган байрам бўлиб ўтди. Эътиборли томони шундаки, мактаб ўқитувчиси М. Воҳидова шу санага бағишлаб «Ворислар қўшиғи»ни ёзди. Таниқли бастакор Т. Ҳасанов унга куй басталади. Қўшиқ кенг жамоатчилик назарига тушиб, қўпчиликка маъқул бўлди. Биз ҳам ушбу қўшиқни газетада чоп этишни маъқул кўрдик.

ВОРИСЛАР ҚЎШИҒИ



Келди-ю истиқлол тикланди юртим,
Ҳумо қуши мисоли ёзди қанотин.
Озод Ўзбекистон, кўҳна Туроним,
Ардоқламоқдамиз Соҳибқироним.

Нақорат:
Биз Соҳибқиронни ёд этмоқдамиз,
Биз унинг руҳини шод этмоқдамиз.

Узоқ йиллар сендан узилдик бобо,
Биз замон руҳида эзилдик бобо.
Кўп йиллар сени биз ардоқлай олмай,
Руҳингнинг олдида эгилдик бобо.

Нақорат:
Биз Соҳибқиронни ёд этмоқдамиз,
Биз унинг руҳини шод этмоқдамиз.

Бугун юртимизда улуғ тантана,
Тўйлари тўйларга уланди яна.
Ҳақиқат қеч қачон синмаслигини,
Тангри таолойим кўрсатди яна.

Нақорат:
Биз Соҳибқиронни ёд этмоқдамиз,
Биз унинг руҳини шод этмоқдамиз.

Яхшилар орамизда

МУАЛЛИМ ЎЗ УМРИНИ ШУНДАЙ КЕЧИРАДИ...

Тоғлар... Даре шу жойда тугилади. Тошдан тошга сакрайди. Майсадан майсага сачрайди. Ўйнаб-ўйнаб олдинга интилади.

Тоғлар... Даренинг шухликлари — болалиги қолади бу жойда...

Сўнгра, ялангликда сокин оқаётган даре жимир-жимир ортга қарайди — тўлқинларда узоқларда қолган тоғлар акслананди — даре соҳир сокинликда болалигини эслайди, тинимсиз эслайди — тўлқинланади...

Даре ялангликка кечади...

Узоқларга йўл олади — йўлакай қанчалаб кимарсаю нимарсаларга ҳаёт бахш этади, лекин «ҳаёт бахш этаяпман» деб ўйламайди, миннат қилмайди, фақат узоқларни кўзлаб оқаверади, оқаверади...

Даре умри шундай кечади...

* * *

Даренинг бор бўйича, барча эшиклари тонгги қуёшга қараб очилгувчи, деразаларидан даре кўриниб турувчи содда уйлари бўлган қишлоқлар жойлашади. Бу қишлоқларда энг ҳашаматли иморат —мактаб бўлади. Мактабда даредил Муаллим меҳнат қилади...

Кунлар ўтаверади. Гўёки, инсон ўтган ҳар бир кунини ортига ташлаб бораверади — ортида эса хотиралар тоғ каби юксалади. Айниқса, болалик хотиралари тоғдай салобатли бўлади. Киши қанча узоқлашгани, даредай сокинлашгани сайин бу тоғ шунча ёрқинлаша бошлайди. Бу тоғнинг улуғворлигини фақат узоқлардангина чуқур ҳис қилиш мумкин, гўё...

Умри давомида ортига, «Болалик тоғи»га энг кўп қарайдиган одам Муаллим бўлади, ёхуд Муаллимгина «Болалик тоғи»нинг нақадар юксаклигини чуқур ҳис қилади. Гирдидаги Болалик, Гирдидаги Болалар қуршовида...

Алқисса, даре умри оқишни тақозо этгани каби муаллимлик қилиш — Унинг ҳаёт тақозосидир. Чунки, Унинг қалбида Қисмат маҳкум этган ҳис — Болаликка муҳаббат бор.

Бу ҳисни Муаллим тинимсиз кўнглидан кечиради...

Аввало шунинг учун муаллимлик қилади. У Болаликни ҳурмат қилади ва ҳамиша болалар қуршовида бўлиб, уларга зиё улашишни истайверади, истайверади... Зеро, шундагина қисматини афу этади Муаллим.

Муаллим ўз умрини шундай кечиради.

* * *

Юртимизда нима кўп — тоғлару даралар кўп. Биргина даре қанчалаб қишлоқлар оралаб ўтади. Ажабмаски, ушмундай қишлоқларда яшовчи ва эҳтимол қишлоқларидан даре оқиб ўтмаган яна неча-неча уқувчиларимиз ҳам Муаллим ҳақидаги таърифимизни ўқиб, ўзларича тахмин қилган бўлсалар, «ҳа, гап фалон ўқитувчи ҳақида кетаяпти». Чунки, мамлакатимизда чин муаллимлик таърифига лойиқ инсонлар шунчалик кўп.

Сангзор дарёсининг ҳар икки қирғоғида жойлашган қатор қишлоқларда умргузаронлик қилгувчи кишиларнинг ҳам ўзлари қадрлайдиган, «устоз» дея ҳурматлайдиган Муаллимлари бор. Шулардан бири Бахмал тумани Удамали қишлоғида жойлашган Мирзабек Эргашев номидаги 28-ўрта мактабнинг физика-математика ўқитувчиси Фарҳод Эшмуҳаммедовдир. Фарҳод ака 1972 йилдан буён шу мактабда фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу давр мобайнида у қанчалаб шогирдлар етиштирмади, қанчалаб инсонларга муаллимлик меҳрини бермади, дейсиз. Бу тарафларда Фарҳод акани ўзининг чин инсон эканлигини муаллимликда намоён этган киши сифатида танишади.

Камтар, фидойи бу инсон билан суҳбатлашиб баҳра оласиз. Фарҳод ака билан ўқитувчиликка бўлган илк ҳаваси, иш тажрибалари, бугунги мактаб ҳаёти, муаллимнинг аввало болалар қалбига йўл топиши лозимлиги ва муаллимлик қилар, мактабга кечикмаслик учун азонлаб йўлга чиқиб кетардилар. Воқеа қиш кунларидан бирида содир бўлади. Отам ҳар доимгидай тонг ёришмасдан туриб мактаб сари шошади ва бир қўр оштанидан сўнг, изидан қандайдир шарпалар яқинлашаётганини сезади. Синчиклаб қараса, 3—4 та бўри. Амал-тақал қилиб иккинчи қирга чиқиб олган отам, «қабишқир, қабишқир» дея қичқира бошлайди. Бу сўзда бўрилар етиб келиб отамга ташланади, лекин қарангки, бирортаси ҳам тишини ботиролмайди. Одамларнинг (сўнгра отамнинг ўзининг ҳам) изоҳича, бўри кўрган киши «қабишқир» деб бақирса, бўрининг жағи қапишиб, оғзини очолмай қолар экан... Шундай қилиб, қашқирлар ғаласи отамга тиш текизолмайди. Бироздан сўнг шовқинни эшитиб келган чўпон итлари китоб-дафтарлари сочилган, ҳаммаёғи тимдаланган отамни бўрилардан халос этади. Отам шу воқеадан сўнг ҳам талай йиллар ўқитувчилик қилган, менинг кўнглимда ҳам ўқитувчиликка бўлган илк ҳаваси солган эдилар».

«Ҳар бир мактабнинг ишонган, фахрланиб юрадиган ўқитувчилари бўлади, — дейди мактаб директори Донабой Фармонов. — Фарҳод Эшмуҳаммедов бизнинг ана шундай ўқитувчиларимиздан. Фарҳоджон билан салкам тенгдошмиз. Биз мактабда ўқиган 50—60-йилларда қишлоқларда ўқитувчилар етишмасди. Бизга асосан бошқа жойлардан — туман марказларидан, шаҳарлардан муаллимлар келиб дарс беришарди. Шунданмикан, бизнинг бола қўзимизга энг юксак касб муаллимлик бўлиб кўринарди. Биз аъло ўқишга тиришар, келажакда, дейлик врач, юрист ёки бошқа муҳаббат бор.

Бу ҳисни Муаллим тинимсиз кўнглидан кечиради...

Аввало шунинг учун муаллимлик қилади. У Болаликни ҳурмат қилади ва ҳамиша болалар қуршовида бўлиб, уларга зиё улашишни истайверади, истайверади... Зеро, шундагина қисматини афу этади Муаллим.

Муаллим ўз умрини шундай кечиради.

Икром ИСКАНДАР.

Ёднома

ТИНЧЛИК — ОДАМЛАР БАХТИ!

Инсон хотираси ўтмиш билан бугунни боғлайди. У туфайли воқеаларни, қадрдонларни кўз олдига келтиради киши.

Бир минг тўққиз юз ўттиз саккизинчи йил. Тошкентдаги 41-мактабнинг 6-синфида ўқирдик. 23—24 ёшлар чамасидаги Ғиёс ака Хўжаев исмли она тили ва адабиётдан сабоқ берувчи ўқитувчимиз бўларди. Дунёда энг билимли, маданиятли, кўркам кийинадиган ҳамда энг барно йигит ҳам ана шу Ғиёс ака эди бизнинг тасаввуримизда. Ҳаммамиз дарсларини сабрсизлик билан кутардик, доно ва ширин сўзларини жон-дилимиз билан тинглардик.

Уруш бошланиб кетгач, кўплаб йигитлар қатори Ғиёс акамиз ҳам фронтга кетгани ва мардона ҳалок бўлганини эшитдик...

Мана, ярим асрдан кўп вақт ўтибди ҳамки, раҳматли устозимиз Ғиёс акани унутмайман, унутолмайман. Бунинг боиси шундаки, Ғиёс ака ўз ўқувчиларига — бизларга меҳр тўла кўз билан қарар, ўз жигаргўшаларидек қадрлар, эъзозлар эдилар. Афсуски, ҳозирги баъзи ўқитувчиларда ўз ўқувчиларига меҳр билан қаращдек улуғ фазилат етишмайди. Шу боис бўлса керак, бундай муаллимлар билан ўқувчилари орасида кўзга кўринмас ғов борга ўхшаб туради.

Лаънати гитлерчилар бошлаган урушда не-не навқирон йигитларнинг гуллаб турган ҳаёти хазон бўлди-я. Эҳтимол, севимли муаллимимиз Ғиёс аканинг фронтда ҳалок бўлганлиги ҳақидаги шум хабар янглиш бўлиб чиқар. Ахир шундайлари ҳам учрайди-ку. Кошки эди-я...

ДИРЕКТОРИМИЗ ЎРТОҚ САФАРОВ

1941 йилнинг ёзи. Ёзнинг энг қисқа тунидан сўнг бошланадиган энг узун куннинг тонгсаҳар пайтида фашистлар Германиясининг тўсатдан қилган хиёнаткорона ҳужуми билан уруш бошланиб кетди. Буни қарангки, курсни битириш имтиҳонларимиз худди шу даҳшатли кунларга тўғри келганди. Амал-тақал имтиҳонларни ҳам ортда қолдириб, шаҳри азим Тошкент билан хайрлашиб, Сурхондарёга равона бўлдим.

Термизда: «Жарқўрғонга борасан», — деб қўлимга қоғоз тутқазишди. Шаҳар мактабларида ҳам ўқитувчилар етишмаслиги ҳақидаги хабарни эшитгандим, шу жойда қолдиришларини илтимос қилмоқчи бўлиб, вилоят халқ маорифи бўлимига кирдим. У жойнинг каттаси Раҳмонқул Қурбонов деган ғоят салобатли ва важоҳатли киши экан. У арзимни охиригача тингламасданоқ: «Тайинланган манзилга ҳалигача жўнаганинг йўқми?» — деб дағдага билан чунонам бир пўписа қилдики, эс-ҳушим чиқиб кетаёзди. Ўшанда қўрқиб кетганимни энди эсласам кулгим қистайди. Ёш ва ғўр эканманда. Ҳа айтгандай, ўша кезларда вилоят партия қўмитасида котиб бўлиб ишлайдиган амаки акам раҳматли Абдусамад Бобохўжаевдан кўмак сўраш ҳам хаёлимга келмабди. У эмас, бу эмас, нон-насиба ўша Жарқўрғонга тортган бўлса, мен нима ҳам қила олардим.

Мени Жарқўрғондаги Охунбобоев номли мактабга ўқитувчи қилиб тайинлашди. Ана ўшанда илк бор чин коммунист директорга дуч келгандим. Ўртоқ Сафаров (фамилияга, албатта, «ўртоқ»ни қўшиб айтишни ўша директордан ўрганганди) ишга ҳам, мактабга ҳам, ўқувчилару ўқитувчиларга ҳам, колхозчи ота-оналарга ҳам тўппа-тўғри коммунистчасига муносабатда бўладиган одам эди. У ғоят уддабурон ташкилотчи ҳамда талабчан педагог эди. Биз ёш муаллимлар уни ҳам ҳурмат қилардик, ҳам биз роз ҳайиқардик ундан. Тенгдошим Усмонжон деган муаллим билан иккимиз ўша директорнинг хонадонида истиқомат қила бошладик (у вақтларда қишлоқнинг ёш муаллимларига уй берилади деган гапни ҳатто ўйлаб ҳам кўрмагандик. Яна шуниси ҳам бор эдики, эртами-индинми армияга — қонли жанглар бораётган Ғарб томонларга жўнашимиз муқаррарлигини ҳам биларди. Ҳамма нарса вақтинчаликдай эди ҳаёлимизда).

Бир сўзли директор раҳбарлигида ишлаш ҳам узоққа бормади. Тўсатдан Сафаров кўнгилли бўлиб фронтга жўнаш ҳаракатига тушиб қолди — туман марказидан уч-тўрт марта ойлик билан бирга ун ёки дон олиб келиб тарқатишга улгурди, холос. Қирқ биринчи йилнинг охирларида фронтга жўнаб кетди. Нима учундир, сўққабош яшаган Сафаров ҳовлисини ҳам, уй-рўзғорини ҳам, уйидаги бор бисотини ҳам биз ёш муаллимларга ташлаганича «миқ» этмай жўнаворди. У шу жўнаганча дом-даракси бўлиб кетди.

Орадан яна тўрт-беш ой вақт ўтди. Қирқ иккинчи йилнинг майида Усмонжон билан мен ҳам директорнинг қадрдон масканини тарк этиб фронтга жўнадик.

Орадан бир ярим йил ўтди. Ғарбий фронтда — Ржев шаҳри остонасида ўнг оёғимдан оғир жароҳат олиб, иккинчи тоифа ногирони бўлиб қайтдим. Ўша директоримиз Сафаровнинг жанг майдонида мардона ҳалок бўлганлиги ҳақидаги хабарни юртимга қайтгач эшитдим. Афсус, ишга, мактабга, айниқса, ўз эътиқодига ўта содиқ инсонни ҳам орамиздан уруш юлиб кетди.

Шу боис бугун ҳамма-ҳаммага «Тинчликнинг қадрига етинг! Тинчлик — одамлар бахти, замин ободлиги, эл фаровонлиги!» дегим келади.

Иброҳим БОБОХЎЖАЕВ,
Термиз туманидаги Ҳожи Самижонов номли 7-мактаб адабиёт муаллими, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи.

Иқтисодий билимларни ўрганамиз

ИШБИЛАРМОНЛАР ЛУҒАТИ

БИРЖА БОЖИ — биржа қўмитаси биржа аъзолари ҳамда харидор — қатновчилардан биржа савдосида иштирок этиш ҳуқуқи учун оладиган ҳақ.

БИРЖА БЮЛЛЕТЕНИ — биржанинг маълум даврда чоп этиладиган хабарномаси. Хабарномада қимматбаҳо қоғозлар курси ҳамда товарлар нархи эълон қилинади. Айрим биржалар бюллетенида биржадаги ҳар бир сотиладиган мулкнинг муомала суммаси кўрсатилади. Агар муайян кунда товар ёки қимматбаҳо қоғозлар савдолари ўтказилмаса, унда курс ўрнига мўлжал нархлар эълон қилинади. Биржа бюллетени одатда ҳар куни чиқарилади, савдо-саноат газета ва журналларида босилади.

БИРЖА ИНДЕКСЛАРИ — қимматбаҳо қоғозларнинг биржадаги ҳаракатини ифодаловчи кўрсаткич, одатда биржадаги олди-сотди тақдирини ҳал қилувчи фирмалар (корпорациялар) акцияси курси (нархи)нинг ўзгаришида намоён бўлади. Энг машҳури Доу-Жонс индекси бўлиб, АҚШдаги 30 йирик саноат корпорациялари акциясининг биржадаги курси билан белгиланада. Индекснинг ўзгариш пунктлари билан ҳисобланади. Масалан, индекс 10 пунктга ошди ёки камайди деб баҳоланади. Иқтисодиётда фаоллик кучайса, биржа индекси кўтарилади ёки аксинча. Биржа индекслари қимматбаҳо қоғозни олиш ёки олмай туриш учун муҳим кўрсаткич бўлиб хизмат қилади.

БИРЖА КЕЛИШУВЛАРИ, биржа муомаласи — 1 катта (оддий) биржа келишувлари — акциялар, товарлар олди-сотдиси (харидорга бериш) ва ҳақини тўлаш шу заҳоти ёки яқин икки-уч кун ичида бажарилади; 2 муддатли биржа келишувлари — маълум муҳлатда бажарилади (яна қ. Биржа чайқовчилиги).

БИРЖА КОТИРОВКАСИ — биржада сотиладиган товарлар нархи; тегишли товар биржасининг махсус нарх белгиловчи комиссияси томонидан рўйхатга олинади ва биржа нашрларида эълон қилинади.

БИРЖА КУРСИ — фонд биржасида муомалада бўладиган қимматбаҳо қоғоз қиймати. Биржа курси ссуда проценти даражаси билан мазкур қимматбаҳо қоғознинг даромад бериш даражаси нисбати орқали аниқланади. Масалан, номинал баҳоси 100 сўм бўлган акция йилига 10 сўм дивиденд беради дейлик, унда омонатлар бўйича банк тўлайдиган ссуда проценти 5 процент бўлса, бундай акциянинг бозор нархи 200 сумни ташкил этади. Яна қ. Қимматбаҳо қоғозлар.

БИРЖА МАЖЛИСИ — биржа аъзолари мажлиси; қимматбаҳо қоғозлар ёки биржа товарларига талаб ва таклиф аниқланади ҳамда мажлис қатнашчилари билан бевосита ёки брокерлар (маклерлар) орқали келишувлар расмийлаштирилади. Биржа мажлиси тартибини биржа қўмитаси белгилайди ва биржа аъзолари унга қатъий риоя қилишлари шарт. Биржа мажлиси ҳар куни маълум соатда ўтказилади.

БИРЖА ОБОРОТИ — биржада муайян давр давомида қилинган савдо-сотиқнинг ҳажми. Сотилган товарлар (товар биржасида) ёки қимматбаҳо қоғозлар маждуи (фонд биржасида) нархи суммасида белгиланади. Шунингдек, фонд биржасида сотилган қимматбаҳо қоғозлар сони биржа оборотини кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади.

БИРЖА ПОШЛИНАСИ — биржада иштирок этганлик учун мижозлардан олинадиган ҳақ. У қуйидагилар учун ундиралади: биржа битимлари тузганлик, биржа бюллетенларидан фойдаланганлик, брокерлар тайинланганлик, биржа иштирокчилари ўртасидаги баҳсларни ҳал этганлик.

БИРЖА ПРЕЗИДЕНТИ — биржадаги бош мансабдор шахс. Уни ҳар бир биржанинг раҳбар органи тайинлайди.

Давоми бор.

Боши газетамизнинг ўтган сонларида.

Ўқитувчи сўз сўрайди

БОШЛАНҒИЧ ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ МУАММОЛАРИ

Бизнинг давлатимиз қуролсизланиш тарафдори. Ўзбекистон Республикаси Асосий қонуни бўлмиш Конституциямизнинг 17-моддасига мувофиқ, давлатимиз ўзга давлатларнинг суверенитетини ҳурмат қилади, қуч ишлатмаслик, дўқ-пўписа қилмаслик, чегараларни бузмаслик, ихтилофларни тинч йўл билан ҳал этиш шартларига риоя қилади. Шунингдек, ўзга давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, халқаро ҳуқуқ меъёрларининг келишилган тамойилларига асосланган ҳолда иш юритади.

Мабодо, мустақил Ватанимизга бошқа бир давлат томонидан хавф туғилгудай бўлса, Ватанимизни биз ўзимиз ҳимоя қилишимиз шарт. Конституциямизнинг 52-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Бинобарин, йигитлар ҳақиқий ҳарбий хизматга ёки муқобил хизматга чақирилади. Ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириладиган йигитлар «Умумий ҳарбий хизмат вазифалари ҳақида»ги низомнинг 15- ва 16-моддаларида кўрсатилган талабларга жавоб берадиган бўлишлари керак.

Ўз-ўзидан равшанки, ҳарбий хизматга чақириладиган ёшларни жанговар-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, уларни чиниқтиришда ҳарбий таълим муаллимларининг хизмати ҳам ўта муҳим. Улар мактабдаёқ ёшларга бошланғич ҳарбий таълим, жанговар маҳорат сирларини батафсил ўргатишлари лозим. Бироқ айни шу кунларда мактабларда бошланғич ҳарбий таълим соатларини ўтишда зарур бўладиган китоблар, кўрсатмали куроллар деярли йўқ. Ўқувчилар дарс маҳали тинглаганларини уйда мустақил ўқиб-ўрганиш орқали мустаҳкамлашлари керак, бунинг учун эса улар ўқув дарсликларидан фойдаланишлари лозим. Афсуски, ҳозирги вақтда бошланғич ҳарбий таълим бўйича дарсликлар етишмайди.

Собиқ Иттифоқ даврида чоп қилинган «Начальная военная подготовка» ва «Гражданская оборона» китобларидан дарслик сифатида фойдаланиш мумкин, лекин бу китоблар ҳам ҳозир жуда тақчил, қолаверса, ўқувчилар рус тилида чоп қилинган бу китобларни яхши тушунишмайди, уларнинг ўзлаштириши қийин кечади.

Давлатимизда тил муаммолари бирин-кетин ижобий ҳал бўлаётган шу кунларда ўқувчиларни ҳарбий хизматга тайёрлаш бўйича ўз тилимизда чиққан биронбир дарсликка ёки плакатга ҳали кўзимиз тушмади. Ўқитувчиларнинг истаги шуки, мана шу муаммолар ҳам тезроқ ҳал бўлса, ватанпарвар ёшларни тайёрлаш ва тарбиялаш ишларига ҳисса қўшишимизга имкон яратилган бўлур эди. Чинакам ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, ўқувчиларни соғлом ва етук қилиб ўстириш, бу борадаги ишларга ҳисса қўшиш — Буюк келажагимиз ҳақида қайғурадиган ҳар бир юртдошимизнинг муқаддас бурчидир.

Абдумурод КУРБОНИЁЗОВ,
Нукусдаги Шарифа Ўтепова номидаги 8-ўрта мактаб ўқитувчиси.

«ҲАВАС» ҚИЗИҚИШ УЙҒОТМОҚДА

Юртбошимиз ташаббуси билан икки йилдан бери ўтказилиб келинаётган «Буюк ипак йўли», «Челенжер», «Президент кубоги» каби теннис мусобақалари халқаро майдонда тилга тушган теннисчию мутахассислар томонидан юқори баҳоланганги маълум. Теннис бўйича ҳозир давом этаётган, Президент раҳнамолик қилган «Ҳавас» турнири ҳам барчада қизиқиш уйғотди.

Утган куни Тошкентнинг «Динамо» теннис саройида ушбу турнирнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Мусобақа иштирокчилари — вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари, вазирлар, қўмита раислари ва бирлашмалар раҳбарлари ўртасида қўруа ташланиб, гуруҳларга бўлинган ҳолда узларига ажратилган теннис майдончаларига йўл олдилар.

— Бунақанги тадбир теннисимиз тарихида ҳали бўлмаган, — деб ҳикоя қилади «Ҳавас» мусобақасининг бош ҳаками Г. Дашевский. — Спортнинг бундай турига юртимизда алоҳида эътибор қилинаётгани бежиз эмас. Чунки теннис ривожланган мамлакатларда энг оммалашган спорт турларидан ҳисобланиб, жаҳон халқлари маданиятининг ўзига хос тимсоли деб эътироф этилади.

Мусобақа тартибига кўра, таклиф этилган ҳар бир раҳбарга ҳам ўзича бемалол келиб, майдонга тушишига рухсат этилмайди. Сабаб, аввало, мусобақа иштирокчиси табиий кўрикдан ўтиши, анчайин мураккаб ҳаракатларга дош беришга қодир эканлиги маълум бўлгач, руйхатга олинади. Мусобақанинг биринчи куни Фарғона вилояти ҳокими Мирзажон Исломов «Узқишлоқхўжаликмашхолдинг» компанияси раиси Ю. Пайгин билан майдонга тушиб, водийда бекорга «Челенжер» халқаро мусобақаси ўтказилмаганини амалда намойиш этди. У 2:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Қарши шаҳар ҳокими Шуҳрат Бегматов ҳам бўш келмади. У «Узнефтгазқазиш» бош директори Анвар Норматовни мағлубиятга учратди.

Сурхондарё вилояти ҳокими Жўра Норалиев эса Қашқадарё вилояти ҳокими ўринбосари Эркин Афзаловга имкониятни қўлдан бой бериб қўйди. Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Равшан Файзуллаев ҳам теннис ўйнаш ҳадисини олганлигини намоён этди. У аввал Самарқанд вилояти ҳокими Алишер Мардиев, кейин Жиззах вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А. Пардаевни бир хил — 2:0 ҳисобида енгди. Бўлмасам, А. Пардаев Сурхондарё вилояти ҳокими Ж. Норалиевни шу ҳисобда енгган эди. Қашқадарё вилояти ҳокими Озод Фармонов эса Самарқанд вилоят ҳокимининг ўринбосари Э. Маматқулов билан Когон шаҳар ҳокими Ж. Ҳакимовни мағлуб этди. Навбат саралаш баҳсларига... Бугун «Юнусобод» теннис кошонасида ғолибликка даъвогарлар ўртасида ҳал қилувчи учрашувлар ўтказилади. Ўйлаймизки, бу ерга ташриф буюрган мухлислар қизғин ва муросасиз баҳсларнинг гувоҳи бўладилар. Ғолибларга аталган мукофотларни тантанали топшириш маросимларини томоша қиладилар. Бир сўз билан айтганда, «Ҳавас» теннисни янада оммавийлаштириш, мамлакатимиз бўйлаб кенг ёйиш йўлида дастлабки қадам ташлашга имконият беради.

Ҳ. НОСИРОВ,
А. ҲАЙДАРОВ.

Спорт

ИШОНЧЛИ ҒАЛАБА

Республикамиз пойтахтидаги «Агрегат» заводи ва метросозлар стадионларида ун кун давомида ёш футболчиларнинг қизғин курашлари давом этди. 2 май куни «Агрегат» заводи стадиони яна мактаб ўқувчилари, футбол ишқибозлари билан гавжум бўлди. Финал мусобақасида чемпионлик унвонини қўлга киритиш учун Тошкент шаҳри ва Бухоро вилояти спортчилари майдонга тушишди.

Ўйин бошланиши биланоқ пойтахт ёш футболчилари дастлабки дақиқалардаёқ бухороликлар дарвозасига тўп киритишди. Абдували Тошбоевнинг чапдастлигидан илҳомланган командадошлари ҳужумни янада кучайтиришди. Марказий ҳимоячи Дима Лошчининнинг чамаси 30 метрлардан зарб билан тепган тўпи дарвозанинг ўнг бурчагига келиб тушганида, бутун стадион мухлислар қувончидан ларзага келди. Ҳисоб 2:0.

Биз футболчиларнинг мусобақа очилиши куни андижонликлар билан учрашувларида жуда суст ўйнаб, 2:0 ҳисобида мағлубиятга учраганликларини кўрганимизда уларнинг финалга чиқишларига ишонқирамаган эдик. Ёнимда утирган «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамияти марказий кенгаши футбол бўлими бошлиғи Баҳромжон Пирмуҳамедов тошкентлик спортчилар биринчи учрашувда Қорақалпоғистон командасини 3:0 ҳисобида енгганларидан кейин бироз хотиржамликка берилиб, ўйинлари қовушмаганлигини, натижада ўйинни бой берганликларини айтди. Мағлубият сабоғи уларни ҳар бир ўйинда ғалабага ишонч билан ҳаракат қилишга даъват этди. Натижада улар финалга чиқишди.

Финал учрашувининг биринчи қисми пойтахт футболчиларининг кескин ҳужумлари билан ўтди ва 3:0 ҳисоби билан якунланди. Учинчи тўпни Ботир Пулатов дарвозага киритди.

Ўйиннинг иккинчи қисмида ҳар икки томон ҳам дарвозага тўп киритишга ҳаракат қилди. Ўйиннинг йигирманчи дақиқасида Олим Қаюмов тўртинчи тўпни дарвозага йўллади. Учрашув тугашига беш дақиқа қолганида бухороликлар жавоб тўпини киритишга муваффақ бўлишди.

Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги 24-болалар-ўсмирлар спорт мактаби футболчилари республика ёшлар ўйинлари чемпиони бўлишди.

Ёш футболчиларнинг беллашувида иккинчи ўринни қўлга киритган Бухоро ва учинчи ўринни эгаллаган Навоий вилояти спортчиларига ҳам Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Ғ. МАННОПОВ.

ЭЗГУЛИК ЭЛЧИЛАРИ

Яккабоғ туманидаги Ҳамза номли 33-мактабда спортга алоҳида эътибор берилаётган экан. Барча инвентарлар билан безатилган спорт майдони диққатимизни ўзига тортди. Спорт иншоотида югуриш йўлкаси, волейбол, футбол, қўл тўпи ва баскетбол майдонлари, гимнастика майдончаси, енгил атлетикага тааллуқли югуриш йўлкалари, граната, диска, найзалар бор. Мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси Қаҳрамон Эргашев биз билан суҳбатда қуйидагиларни қисқа ҳикоя қилди:

— Мактабимизда спорт соҳасида муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. Айни вақтда билим масканимизда 576 ўқувчи спорт билан шуғулланаётир. Айниқса, футбол ўйинини намунали йўлга қўйишга алоҳида эътибор берилаётир. Тўғрисини айтганда, биз ўзбекистонлик машҳур Маржалол Қосимов, Азамат Абдураимов каби футбол усталари етишиб чиқиши учун шароит яратишга ҳаракат қилмоқдамиз. Утган йили мактабимиз футбол жамоаси зоналар бўйича утган мусобақада биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Беллашувда футболчилардан Ж. Ашуров, О. Ҳайдаров, М. Ҳайитов, Ю. Жумановлар катта маҳорат кўрсатишди.

Мактабда спортнинг бошқа турлари ҳам кенг йўлга қўйилган. Ҳар ўқув йилида «Қувноқ стартлар» мусобақалари ўтказилади, бу унутилаётган миллий ўйинларни тиклашга ҳаракат қиляпмиз. Қирқ тош, лапар, бўқир, «оқ суякми, қўк суякми», чиллик, қулоқ чўзма, туфалак кабиларни тиклаш учун ҳозир қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Ўйинларнинг қулайлик томони шундаки, ундаги ўқув қуроллари — чўп ва тошлардан иборат.

Ҳа, мактабда жисмоний тарбия фани бўйича дарсдан ташқари ўтказилаётган тўгараклар фаолияти ва мусобақаларда ўқувчиларнинг спортга бўлган қизиқишини янада ошириш йўлидаги барча хайрли ишлар, албатта, фақат эзгуликка хизмат қилажак.

Ҳайрулла ТЎРАЕВ.

Хулласи...

КУЁВ 9, КЕЛИН 12 ЁШДА

Кения ҳукумати тўқ-қиз ёшли бола ва ўн икки ёшли қизча ўртасидаги никоҳни бекор қилди. Қарангки, боланинг онасига хизматкор, қизчанинг отасига эса қорамол керак бўлиб қолган экан. Қурия тумани комиссари Жон Эгас томонидан ота-оналар қамоққа олинди. Қурия маориф вазири болаларнинг эрта оила қуришига қарши чиқиш қилди. Чунки 87 фоиз Қурия қизлари ва 63 фоиз болалари эрта никоҳ натижасида мактабни ташлаб кетмоқда экан.

АДАШИШИБДИ!

Англиянинг Бриджебенида яшовчи Дороти Кушинг исмли 51 ёшли аёлга врачлар «Рак» деган ташхис қўйишди. Бу дарднинг давосизлигини ҳамма билади. Шунинг учун у ўзига қабристондан жой сотиб олди, насларига васиятнома ёзди, гўрковларга пул тўлаб қўйди, гулчамбар учун аввалдан ҳақ тўлади ва ниҳоят қабртошга буюртма берди. Бу пайтда кимёвий терапия беморнинг сочларини тўка бошлади... ва тўсатдан врачлар унинг соппа-соғ эканлигини айтиб қолишди. Унинг рентген қоғози бошқа беморники билан алмашиб қолибди.

Аёл маънавий ва моддий зарарини қоплашини талаб қилиб шифохонани судга берди. Ҳарҳолда шифохона анчага тушади, деб ёзади Англиянинг «Taday» газетаси.

СУЛТОН ВА ГИННЕС...

«Бир уйда бе-е-малол, яйраб яшаш учун неча хона керак бўлади?» деган саволга Бруней султони Ҳасан ал-Болкиах 1.788 хона бўлишини хоҳиш этди. Унинг пойтахтдаги «Истона-Нурул-Имон» саройида айнан шунча хона мавжуд. Агар у бу хоналарнинг ҳар бирида бир оқшомдан ётиб чиқишни ният қилса 5 йил вақт керак бўлар экан.

Дарвоқе, султоннинг бу «кичик» ғўшаси Гиннеснинг рекордлар китобига киритилибди.

ЧИГИРТКАНИ ЕСА БЎЛАРКАН

Деҳқонларимиз ризқимиз бўлган экин майдонлари кушандаси сифатида чигиртканинг дастидан дод, дейишади. Мексикалик диетолог-олим Мело Вихрния эса чигиртканинг ўзи ризқимиз эканлигига ишонтирмоқчи бўлибди. Унинг айтишича, юз грамм гўштда 25 фоиз оқсил бўлса, шу вазндаги чигирткада бундан уч баробар кўп оқсил бўларкан. Қизиқ, биз билмаган яна қандай егуликлар тури бор экан-а?

ана шунақа гаплар.

Фахрий ижодидан

МАКТАБ ТАЪРИФИ

Эй ўқувчи, англагин, мактаб қадру қимматинг,
Таълим олсанг астойдил, ошар обрў, ҳимматинг.
Оз-оз урганиб бир кун олим бўлишинг тайин,
Оз-оз йўқолиб борур камчилигинг, иллатинг.
Ақли кам минг жоҳилдан бир доно олим устун,
Шундан маълумки, мактаб саодатинг, қудратинг.
Мактаб онгни ёритиб, ёғду сочгани учун
Нурли йўлдан бормоқда мустақил юрт, миллатинг.
Мактаб инсониятга шодлик келтирар, Тўра,
Қолмас мактаб туфайли қайғу ҳасрат, кулфатинг.

ЎҒЛИМГА НАСИҲАТ

Ким бўлайин дединг, айтай, ошёнимга чироқ бўл!
Ўғлим, бундай бўлмоқ учун ёмонликдан йироқ бўл!
Фиску фасод, ғийбатчининг яқинига йўлама,
Яхшилигинг менга аён, янада яхшироқ бўл!
Пуддор бўлиб, олим бўлиб, одам бўлмаган қанча,
Қандай ишни қилсанг майли, лекин сахий ўртоқ бўл!
Душман билан учакишма, мадад кутса у сендан,
Ёрдам кўрсат, фақат яхши ишларга иштиёқ бўл!
Ёру дўстлар ва барчага ниятингни пок айла.
Қалбдан жой олиш-чун кўнгли тиниқликда булоқ бўл!
Ёлғончилик, лафзи йўқлик, маккорликни касб қилма,
Сенга интилган кемани алаштирма, маёқ бўл!
Яхши одоб, ҳалолликни канда қилма дер Тўра,
Виждонли бўл, иймонли бўл, ҳақиқатга байроқ бўл!

БИЛИМНИ КЎП ЭГАЛЛА

Билимни кўп эгалла, қайта ўқи, такрор қил,
Жавонингга китоблар тўпла, қатор-қатор қил.
Илм шарафли, чунки ҳар нарсадан у устун,
Илм билан ўзингни кўп ишларга тайёр қил.
Кўнглинг ҳузур топади китобларни ўқисанг.
Таҳсил қилиб тун чоғи ҳаётингни бедор қил.
Ғазаб, таъма, пасткашлик илмсиздан чиқади,
Фақат маърифат билан идрокингни ҳушёр қил.
Донолар уст-бош эмас, боқар ишингга, Тўра,
Фанни урганиб ўзни илгор сафларда бор қил.

Тўра ЖУМАН,
уруш қатнашчиси.

Янги китобларга шарҳ

ЯХШИДАН НОМ ҚОЛАДИ

(«Комил инсон» хотиралари ҳақида баъзи мулоҳазалар)

Яқинда қўлимга «Комил инсон» сарлавҳали академик Иброҳим Муминов ҳақида хотиралар тўплами тушиб қолди. Ўқиб чиқиб, хурсандчилигимни қоғозга туширишга жазм қилдим. Менга маъқул бўлган нарса шундаки, хотиралар тўплами улуг инсон, атоқли олим-файласуф, йирик жамоат арбоби, моҳир ташкилотчи, меҳрибон раҳбар Иброҳим Муминовни бутун салобати, тўла бўй-басти-ю маънавий қиёфаси билан кўз олдимизда гавдалантиради. Ҳа, буюк кишилар тўғрисида қалб сўзларидан иборат бўлган, юракдаги дардлар ва хурсандчиликларни изҳор этадиган, уларнинг савобли ишларини мадҳ қиладиган хотиралар жуда зарур деб биламиз. Агар бу хайрли ишларни замондошлари бажариб, келгуси авлодларга қолдирмаса, келажак авлод алломалар ҳусусида тўла маълумотга эга бўла олмаслиги ёки умумий характерлари китоблардан улар хусусида маълумот олишларига тўғри келади.

«Комил инсон» тўпламининг ютуғи шундаки, унда содда, камтар, баркамол олимнинг шахсий хислатлари ёрқин очиб берилган. Уни ўқиган китобхонлар Иброҳим Муминов билан мулоқотда бўлмаган ёки уни кўрмаган бўлса ҳам, муруввватидан баҳраманд бўлмаган бўлса ҳам, уларда фан фидойисига улкан муҳаббат ва ҳурмат туйғулари уйғониши турган гап.

Иброҳим Муминовнинг ҳар соҳада донолиги ва билимдонлигини тасдиқловчи ва китобхонларни ишонтирувчи жиҳатлари нимада?

Аввалламбор, хотира эсгаслар фаннинг турли жабҳасидаги таниқли мутахассислар, йирик олимлар бўлганлиги учун ҳам уларнинг берган баҳолари объектив, холисона эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Хотиралар муаллифлари орасида академик, биология фанининг пири Ё. Тўрақулов, йирик тилшунос, академик Ш. Шоабдураҳмонов, атоқли физик В. Қобилов, тарихчи-шарқшунос олим Б. Аҳмедов, файласуф-публицист О. Файзуллаев, машҳур олим, жамоат арбоби Э. Юсупов, математик олим О. Салимов, иқтисодчи-академик И. Искандаров, таниқли шоир Жамол Камоллар бор. Улардан ташқари устознинг шогирдлари — фалсафа фанлари докторлари, республика фанлар академиясининг мухбир-аъзолари С. Шермуҳамедов, А. Валиев, М. Баратов ҳамда К. Хоназаров, А. Аҳтамовлар ҳам Иброҳим Муминовга бўлган чексиз ҳурмат ва эҳтиромларини дил сўзлари билан изҳор этганлар. Бу йирик олимларнинг хотиралари ҳар бир ўқувчи учун жуда ҳам ибратли ва сабоқлидир.

Ибрат ва сабоқлар нималардан иборат?

Инсон ҳаётга қадам қўйдими, маълум бир погонага кўтарилиб олдими, унинг бирор иш қилиши қўлидан келадими, демак у халқ, жамият учун астойдил меҳнат қилиши, кишиларнинг оғирини енгил этиши, дардига малҳам бўлиши лозим. Худди шундай талабларга ўз фаолияти билан тўла ва ҳар томонлама жавоб берган олимлардан бири Иброҳим Муминовдир. У илм аҳлининг кўпчилигига ўзининг чуқур билимини, самимий меҳрини сочган, уларни баҳраманд қилиш билан ўзини бахтиёр ҳисоблаган.

Хотираларнинг қайси бирини ўқиманг, унда устознинг беқиёс ғамхурлиги ва чексиз ёрдамидан баҳра олганларнинг мамнуният ва севинч туйғуларига тўлиб тошган сатрларидан кўнглингиз баҳра олади. Ҳа, у фанда кимга ёрдам бермаган дейсиз? Ушбу сатрларнинг муаллифи ҳам унинг меҳр даргоҳидан сув ичганлардан бири. Фурсатдан фойдаланиб, руҳларини шод этиш ниятида ўзимнинг чуқур миннатдорчилигимни айтиб ўтишни инсоний бурчим ва қарзим деб биламан. Адабиёт бўйича докторлик диссертациямни ёзишга киришганимда у кишининг маслаҳатини олганман.

Иброҳим Муминовнинг айтган сўзлари ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди. Уларни эсласам юрагимда шодлик туйғулари барқ уради. «Ҳафизжон, ишга келиб ўтирмасдан, фақат диссертацияни ёзинг! Ҳоҳлаган шаҳарга, ҳоҳлаган вақтингизда командировка берамиз, қандай ёрдам керак бўлса, марҳамат. Фақат диссертацияни битириб олиб келсангиз, бас». Ҳа, бундай яхшиликни бир умр унута оладими киши!

«Комил инсон» хотира китобчасида менинг тақдиримга, менинг қувончларимга ўхшаш кўп қисматлар, воқеа-ҳодисалар мавжуд бўлганлиги учун ҳам севинч ва муҳаббат билан ушбу сатрларни ёзяпман.

Демак, чин олим ўз атрофидагиларга ёрдам қўлини чўзиши лозимлигини Иброҳим Муминовдан урганиш зарур. Китобчадан чиқариладиган иккинчи сабоқ шундан иборатки, фанда принципиал бўлиш, ўзини дадил тутиш, ҳақиқатни айтишдан асло чўчимаслик керак. Иброҳим Муминов ҳам фаннинг асл фидойиси, ботир ўғлони эди. У фандаги кемтик жойларни тўлдириш, асрий миллий қадриятларимизни тиклаш, номи асоссиз қораланган алломаларни илмга қайтариш соҳасида жуда катта ишлар қилганлигини хотиралардан аниқ ва равшан билиб оламиз. Улуғ саркарда, атоқли давлат арбоби Амир Темурнинг муқаддас номини ўсгга чиқариш учун қилган жасоратининг ўзиёқ бир олимнинг умрини безайди. Унинг «Амир Темурнинг Урта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли» китобчаси фанда катта воқеа бўлиши билан бирга, унинг муаллифини абадий шарафлаб қолдирди. Бу китобча утмишдаги шахсларни, воқеаларни объектив, холисона ёритиш бобида тарихга дарча очди. Бу дарча орқали ҳақиқат нури тарих илмига кенг кириб борди. Келажакда бу дарча ёрдами билан, айниқса, мустақиллик шарофати билан тарих фани тўла равишда тўғри йўлга тушиб олмоқда. Иброҳим Муминов ўз соҳасида мактаб яратган ажойиб олим эди.

Учинчи сабоқ шундан иборатки, фанга қандай хизмат қилиш керак, деган саволга Иброҳим Муминовнинг илмий фаолияти яққол жавоб беради. Унинг фалсафа, ижтимоият, адабиёт бўйича қилган тадқиқотлари ҳар жиҳатдан таҳсинга сазовор эканлиги хотиралардан кенг очиб берилган. Ҳақиқатан ҳам унинг илмий мероси йиғилиб, нашр этилса, бир қанча жилдни ташкил қилади. Хотира ёзган олимлар барчани бу меросни эъзозлаш, қадрига етиш, ундан урганишга даъват этганлар.

Туртинчи сабоқ эса, илмий ишни ташкилий фаолият билан қўшиб олиб боришдан иборат. Иброҳим Муминов фанда жуда катта ишлар қилиши билан бирга жамоатчилик соҳасида ҳам ўрнак кўрсатган. Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти, республика «Билим» жамиятининг раиси, «Ижтимоий фанлар» журналининг бош муҳаррири, «Ўзбек қомуси»нинг раҳбари, Олий Кенгашнинг депутати, фалсафа ва ҳуқуқ институтининг директори лавозимларини адо этиш жуда катта кўч ва ғайратни талаб этиши табиийдир. Иброҳим Муминовнинг юксак фазилати шундаки, у бу ишларни маҳорат билан қўшиб олиб бориб, бу жабҳада ҳам намуна бўлганлигини хотиралардан англаб оламиз.

Хотиралардан яна бир сабоқ, — мана, мен, деб тургандай. У ҳам бўлса устоз билан шогирд алоқаси. Иброҳим Муминов шогирдларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг бошини силаб, руҳлантириб, илмнинг мураккаб суқмоқларидан олиб утиши билан ажралиб турарди. Яна бир характерли томони шундаки, унинг кўп шогирдлари меҳрга меҳр билан, ёрдамга ёрдам билан жавоб қайтарганлар. Бу жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, фалсафа фанлари доктори, профессор Саид Шермуҳамедовнинг устозига нисбатан садоқатига тан бериш, қойил қолиш керак. Бу шогирд ҳар бир соҳада ўз устозига вафодорликнинг намунасини кўрсатиб, руҳини ҳамиша шод этиб келмоқда. Устозига оид бирор тадбир йўққи, унга С. Шермуҳамедов ўз ҳиссасини қўшмаган, бош-қош бўлмаган бўлсин. Кўлимиздаги «Комил инсон» хотиралар китобчаси ҳам унинг масъул муҳаррирлигида нашр этилди. Бундан ташқари унинг устозига бўлган меҳрини изҳор этган мақолалари ҳам борки, булар ҳаммаси унинг қандай шогирд эканлигини тўла исботлаб турибди. Бу жиҳатдан академик Э. Юсуповнинг берган баҳоси жуда характерлидир: «...домланинг виждонли, садоқатли шогирдлари ҳам бор эди. Шулардан бири... Саид Шермуҳамедов эди. Бу мард инсон энг оғир даврларда ҳам ўз устозига бўлган ҳурматини баралла айтди... Шунинг учун ҳам менинг Саиджонга бўлган ҳурматим бир неча бор ортиб кетди».

Э. Юсупов шу билан бирга устознинг шогирдлари орасида қўрқоқ, шамолга қараб боқадиган, вазиятга қараб тусини ўзгартирадиган, фақат шахсий манфаатларини ўйлаб, устозига ҳам хиянат қилганлар мавжудлигини ачиниб гапирган. Шу боис ҳақиқий шогирдлардан ибрат олиб, сохта, хамелеон шогирдлардан нафратланиш лозимлиги жиҳатидан ҳам «Комил инсон» китобидаги «хотиралар» яхши таълим беради.

Кўп хотираларда ҳаққоний, самимий фикрларни, миннатдорликни изҳор этадиган дил сўзларини ўқиб, уларнинг муаллифларига тасаннолар айтгим келади. Лекин шу билан бирга, «хотира» ниқоби остида ўзини мақташ, фикрларини тарғиб қилиш, ёқтирмаган ҳамкасбларига маломат тошларини отишни мақсад қилиб олганлар ҳам топилди.

Умуман олганда, яхшиликдан ном қолдирган Иброҳим Муминовга бағишланган «Комил инсон» китоби бизда катта қизиқиш уйғотди. Шунга ўхшаш китоблар бошқа алломалар тўғрисида ҳам яратилса, нур устига аъло нур бўларди.

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ.

Машғулотларда синаб кўринг!

КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИЛГАН ДИДАКТИК ЎЙИНЛАР

Компьютер ўқитувчи вазифасини бажара олмаса-да, айрим афзалликларга эга ва айнан ана шу афзалликлари билан у ўқитувчи ва ўқувчининг таълим жараёнидаги ёрдамчисига айланиб қолади. Шу боис компьютерда дидактик ўйинларни ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Айниқса, ўйинлардан математика дарсларида фойдаланиш жуда яхши самаралар беради. Чунки асосий мақсад ўйин давомида олинган билим ва тушунчалардан амалий фаолиятда қайта-қайта фойдаланишдир.

5-6-синфлар математика дарсларида дидактик ўйинларнинг компьютерлаштирилган вариантларидан фойдаланиш моҳиятини қуйидаги омиллар билан асослаш мумкин:

— дидактик ўйинларнинг вариантлари вақтдан унумли фойдаланиш имконини беради, дарс жараёнида бир ўйинни бир неча маротаба ўтказиш имконияти туғилади;

— ўқувчининг мустақил ишлаш фаолияти кузатилади, бунда унинг математикадан билим даражаси аниқланади ва компьютер ўқувчи қобилиятига кўра «иш кўради»;

— ўқувчининг дарсда бандлик даражаси ортади;

— ўйин жараёнини компьютер бошқаради, ўйинни ўтказишга кўп жиҳозлар талаб қилинмайди, ўқувчининг кўз ўнгида билимига нисбатан «ҳаракатлар» содир бўлади, ўқувчи ҳаракати рағбатлантирилиб ёки аксинча одил «ҳакам» — компьютер томонидан «жазоланиб» борилади.

Компьютерда ўтказиладиган ўйинлар ўқувчининг математикадан у ёки бу амалларни бажара олиш қобилиятларини шакллантириши, бу ҳақдаги билимни осонлик билан ўзлаштиришга кўмаклашиши лозим. Шу билан у ўқувчи билим доирасидан ташқари талаблар қўйилмаслиги, қисқа вақт давомида аниқ натижалар бериши, ўқувчини зериктириб қўймаслиги билан характерлидир.

Келгуси сонларда фойдаланиши мумкин бўлган ўйинлардан намуналар келтирамиз.

М. АШУРОВ.

(Давоми бор).

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги ҳунар таълими илмий-тадқиқот институти вакант лавозимларига танлов эълон қилади.

1. Илмий котиб (фан номзоди)
2. Лаборатория мудири (фан доктори ёки фан номзоди)
3. Катта илмий ходим
4. Илмий ходим

Аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой ичида қабул қилинади.

Манзилимиз: 700000 Тошкент шаҳри. Пушкин кўчаси, 7-уй.
Тел.: 35-23-27.

ЭЪЛОН

Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ремонт-қурилиш бошқармаси тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Хотира

УСТОЗ НОМИ БИЛАН АТАЛСА...

Инсон хотираси азиз ва муътабардир. Уз умрини халқ бахт-саодати ҳамда ёш ўғил-қизларимизни илмли қилиш ишига бағишлаган инсонларни эслаш, уларнинг хотираси олдида таъзим қилиш эзгу иш ҳисобланади. Ана шундай табаррук инсонлардан бири бўлган, Ҳамроқул Уроқов 52 йил умр кўрди. У қисқа ҳаёти давомида ўзидан келажак авлодларга билимни мерос қилиб қолдирди.

Ҳ. Уроқов ўз ишининг устаси, болаларнинг меҳрибон мураббийси, зиёлиларнинг билимдон маслаҳатчиси эди. Устоз мураббий ўз фанини чуқур билганлиги, куч-ғайратини, билимини ёш авлодни тарбиялашга сарфлаганлиги сабабли мактаб жамоаси ўртасида обрў-эътибор қозонди.

Ҳамроқул Уроқов 27-ўрта мактаб директори вазифасида ишлаган даврда қўшимча синф хоналарини қуриш, фан кабинетларини ташкил этиш ва уларни техник воситалар билан жиҳозлаш, дидактик материаллар билан бойитиш, хуллас, даргоҳнинг ўқув базасини мустаҳкамлашда шахсан ўзи доимо бош-қош бўлди.

Бу жонкуяр педагог мактабда таълим-тарбия ишларини яхшилаш учун ота-оналар билан учрашувлар, йиғилишлар утказар, мактаб ва оила ҳамкорлигининг энг долзарб масалаларини ўртага ташлар эди. Ўзининг фикр-мулоҳазаларини ҳамма билан баҳам кўрарди ва ўқитишнинг илгор ва самарали иш шаклларини қўллашни таклиф этар, дарс ўтган вақтда ҳар бир ўқувчига алоҳида-алоҳида вазифалар берарди. У кишининг дарслари самарали ва сифатли утарди. Шу сабабли устоз педагог халқ ҳурматига, ўқувчиларнинг эътиборига сазовор бўлди. У кишининг меҳнатлари туман, вилоят халқ таълими бўлимларининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган эди. Бу меҳрибон устознинг шогирдлари бугунги кунда Қучқор Тураев жамоа хўжалигининг қишлоқларида, туман ва вилоятимизнинг турли бурчакларида самарали меҳнат қилишмоқда. Маорифимиз равнақи учун хизмат қилган устоз собиқ ўқувчилари, қишлоқдошлари ва сафдошлари ёдидан кўтарилмайди. Биз маорифчилар устоз, педагог, мехрибон дустимизнинг хотирасини абадийлаштириш лозим деб биламиз. У киши ишлаган 27-ўрта мактаб Ҳ. Уроқов номи билан аталса, биз шогирдларнинг армонимиз ушалган бўлур эди.

О. ОМОНОВ,
М. ҚИЛИЧЕВ,
Ш. МУСТАФОЕВ,
Самарқанд вилояти Паст Дарғом туманидаги 27-ўрта мактаб ўқитувчилари.

Ма'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳалим САИДОВ.

Руйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Олимжон ҲАЙИТ, Улуғбек ЖУМАЕВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0261. Тиражи 33029. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6